Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 126 (20. 993) 1991 йил 3 июль, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

• *Жамоатчилик жаҳон бозорига чиқишни маъқулламоқда*

Сотишга ёрдам керак

Биз, корейслар ҳамиша деҳқончиликни ёқтирамиз. Меҳнатсевар ўзбек халқи билан бир сафда туриб моддий неъмат яратамиз. Эл дастурхонини тўкин қилишга ҳам баҳоли-қудрат ҳисса қўшяпмиз.

Лекин кўпинча етиштирган маҳсулотларимизни сота олмай қийналардик. Масалан, бу йил йигирма тонна тарвуз ҳосили йиғиштириб олишни мўлжаллаяпмиз. Лекин ана шу ҳосилни исроф қилмай истеъмолчиларга етказиб бериш масаласи бизни ташвишлантирмоқда. Ноҳиямиз тайёрлов идоралари эса тарвузнинг ҳар килосига 20 тийиндан тўланишини шартномада кўрсатишди. Ҳолбуки, бизнинг жами харажатимиз 40 минг сўмдан ошади. Ҳар килограмм тарвузнинг таннархи 30 тийиндан тушади.

Шу жиҳатларни ҳисобга олганда маҳсулотларни сотиш учун воситачи керак. Майли, у бизни рози қилиб олдими ўзи қаерга олиб бориб, қанчадан сотиб, қанча фойда кўрса-кўраверсин.

Демак, ишбилармонлик билан иш юритилса, деҳқонга ҳам, истеъмолчига ҳам яхши бўлади. Зеро, яқинда бўлиб ўтган «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»да ҳам ана шу гаплар бўлиб ўтдику. Жаҳоннинг турли бурчакларидан йиғилган тадбиркор кишилар савдо-сотиқни кенг йўлга қўйиш ҳақида фикрлашиб олдилар, кўпгина шартномалар туздилар. Мен ҳам жумҳуриятимизнинг жаҳон бозорига чиқишига тарафдорман.

Леонид КИМ,
Москва районидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги ишчи звеноси бошлиғи.

• Аҳвол қандай, ишбилармонлар?

ХОМ АШЁ ЭМАС, ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

Хорижга пахта толаси эмас, тайёр маҳсулот сотиш нақадар фойдали эканлиги энди ҳеч ким учун сир эмас. Лекин ундан юқори сифатли, турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий техника, технология керак.

Ўтган йилдан буён шу мақсадда Бухорода Исроилдаги «Энор трейд энд инвестменс ЛТД» компанияси билан олиб борилган музокаралар яқинда муваффақият билан тугади. Шу мақсадда «Совиз протеин» Совет-Исроил қўшма корхонасини ташкил қилиш тўғрисида шартномага имзо чекилди.

Бўлажак корхонанинг устави бўйича унинг капитали Исроил томонидан 13 миллион долларни ва совет томонидан 9 миллион долларни ташкил қилиши кўзда тутилган. Тузилган шартномага кўра олинадиган даромаднинг етмиш фоизи совет томонида, ўттиз фоизи эса хорижий шерикларда қолади.

Исроилликлар таклиф қилаётган янги технология пахта толасидан оқсил моддаси составида 60 фоизгача бўлган озиқ-овқат протеини ишлаб чиқариш ва ундан болалар учун истеъмол маҳсулотлари тайёрлашга имкон беради. Ишлаб чиқариш чиқитларидан эса составида госсипол сингари заҳарли моддалар бўлмаган юқори сифатли озуқа маҳсулоти ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Бу эса молларни бўрдоқига боқиш самарадорлигини 2—3 ҳисса ошириш имконини яратади. Шунингдек, янги корхонада аъло навли ўсимлик мойи ҳамда харидорбоп маҳсулот бўлган пишиқ арқон ишлаб чиқарилади.

Қўшма корхона ташкил қилиш бухороликлар учун ҳар томонлама фойдали. Бироқ ҳамма нарса тузилган шартномага асосан биз томондан киритилиши лозим бўлган 9 миллион долларга келиб тақалмоқда. Бухорода бундай маблағ топилмаётгани учун қўшма корхонани ташкил қилиш масаласи орқага сурилмоқда.

— Биз бу масалада жумҳурият ҳукуматига мурожаат этиб, пландан ташқари ишлаб чиқарилган 3 минг тонна пахта толасини ташқи бозорда сотишга рухсат сўрадик, — дейди биз билан суҳбатда вилоят ижроия қўмитаси ташқи иқтисодий алоқалар бўлимининг мудири Ф. Ким. — Бу масала ижобий ҳал этилишидан умидимиз катта...

Дарҳақиқат, янги корхонанинг тезроқ ишга туширилишидан бухороликларнинг умиди катта. Биринчидан, шу туфайли ташқи бозорга юқори сифатли маҳсулот чиқариб, валюта харажатларини тез қоплаш мумкин бўлади. Иккинчидан, қўшимча иш ўринларини ташкил қилиб, ишсизликнинг олдини олиш учун шароит яратилади. Учинчидан, юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлаш имкони туғилади. Бозор иқтисодиётига кўчиш шароитида эса бу жуда муҳим.

Ш. ЗАИНУТДИНОВ,
«Советская Бухара» рўзномаси мухбири.
Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШКИЛ ТОПГАН САНАНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Илмий адабиётларда, матбуотда, бошқа оммавий ахборот воситаларида қатор мақолалар эълон қилинган бўлиб, уларда тадқиқотчилар ва жамоатчилик вакиллари томонидан Ўзбекистон ССР ташкил топган санага оид турли нуқтаи назарлар билдирилган сўнгги пайтларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларига, илмий муассасаларга, жамоат ташкилотларига, жумҳурият рўзномалари ҳамда мажаллаларининг таҳририятларига ана шу масалага ойдинлик киритиш, ўзбек халқининг миллий давлати ташкил топган кунни аниқлаб бериш илтимос қилинган кўплаб хатлар келаяпти.

Ушбу масаланинг муҳим давлат ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга моликлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР ташкил топган санани аниқлаш бўйича комиссия қуйидаги таркибда тузилсин:

Юсупов Эркин Юсупович — Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, СССР халқ депутати, СССР ФА мухбир-аъзоси, ЎзССР ФА академиги, В. И. Ленин номидаги ТошДД ректори (раис)

Алимов Иброҳим Абдуғаффорович — Ўзбекистон ССР ФА Тарих институтининг бўлим мудири, тарих фанлари доктори, профессор

Зиёмов Шаҳобитдин Сирожевич — Ўзбекистон ССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Миллатлараро муносабатлар масалалари, тил ва маданият қўмитасининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси

Исматов Маҳмуд — Ўзбекистон ССР халқ депутати, Тошкент вилояти Янгийўл ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигининг раиси

Қодиров Пиримқул Қодирович — Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Миллатлараро муносабатлар масалалари, тил ва маданият қўмитасининг раиси

Муҳиддинов Нуриддин Акрамович — Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти бошқарувининг раиси

Нуруллин Рустам Абдураҳимович — Ўзбекистон ССР ФА Тарих институтининг етакчи ходими, тарих фанлари доктори, профессор

Ражабова Раъно Ёдгоровна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ижтимоий-сиёсий муаммолар институтининг сектор мудири, тарих фанлари доктори

Салоҳиддинов Маҳмуд Салоҳиддинович — Ўзбекистон ССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президенти, Ўзбекистон ССР ФА академиги

Уразаев Шавкат Закариевич — Ўзбекистон ССР ФА академиги, Ўзбекистон ССР Конституциявий назорат қўмитасининг раиси

Ҳамидов Жаҳонгир Ҳакимович — Ўзбекистон ССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ошкоралик масалалари қўмитасининг аъзоси, Ўзбекистон ФА Раёсатининг аъзоси, Ўзбекистон ФА академиги

Ҳўжаев Муҳаммаджон Сулаймонович — Ўзбекистон ССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш қўмитасининг аъзоси, Фарғона шаҳар ижроия қўмитаси халқ таълими бўлимининг мудири.

Холбоев Сотим Холбоевич — В. И. Ленин номидаги ТошДД сиёсий тарих кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди.

Шаропов Шамси — В. И. Ленин номидаги ТошДД профессори

2. Комиссияга Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида қараб чиқиш учун хулоса тайёрлаш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙУЛДОШЕВ.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳи раҳбар кадрлар ва мутахассислар малакасини ошириш факультетида вилоят, шаҳар партия комитетлари ижтимоий-иқтисодий бўлимлари мудирлари ўринбосарларининг, жумҳурият вазирликлари ва идоралари, Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР йирик корхоналари, бирлашмалари ва концернлари парткомлари котибларининг бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари юзасидан икки ҳафталик ўқуви ниҳоясига етди.

КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссияси 1991 йил апрель қўшма Пленумининг иқтисодиётни тангликдан чиқариш йўллари тўғрисидаги қарорлари асосида партия ташкилотларининг вазифалари, бозорнинг моҳияти ва Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш хусусиятлари, демократиялаш ва сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнларга сиёсий раҳбарлик қилиш шакллари ҳамда усулларини ўзлаштириш, бозор муносабатларига ўтиш даврида тушунтириш ва ташкилотчилик ишининг хусусиятлари каби асосий муаммолар лекцияларда, семинарларда, партия, совет раҳбарлари билан, мутахассислар, олимлар билан учрашувларда таҳлил этилиб, муҳокама қилинди.

Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини бозор муносабатларига ўтказиш воситалари, иқтисодиётни ижтимоий соҳага буриб юбориш ва унинг хилма-хил шакллари, мулкни давлат тасаррўфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллари, кичик корхоналарни ривожлантириш, молиявий ва солиқ тизимини мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, жумҳуриятларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш омиллари тўғрисидаги мунозаралар тингловчиларга ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазиятни чуқурроқ тушуниш, партия комитетлари фаолиятининг йўналишларига аниқлик ва пухталик киритиш имконини берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. А. Абдувосиқов, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов, жумҳурият вазирликлари ва идораларининг масъул ходимлари тингловчилар ҳузурида сўзга чиқишди.

«Раҳбарнинг шахсий ишчанлик хусусиятларини моделлаш», «Раҳбар қарорларининг самарадорлигини баҳолаш» мавзуларида амалий машқлар ўтказилди. Тингловчилар «Совпластитал» ва «Ташинтерм» қўшма корхоналарида ишлаб чиқариш, иқтисодий турмушни қайта қуриш, ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш, меҳнат жамоаларининг хўжалик мустақиллиги кенгайиб бораётган шароитда ижтимоий вазифаларни ҳал этиш тажрибаси билан танишдилар.

● Телефон алоқачиси Муҳаббат Ортиқованинг номини Вобкент район алоқа бўлими шаҳарлараро телефон сўзлашув пункти жамоаси ҳурмат билан тилга олади. У шу ерда 1973 йилдан буён ишлайди. Саккиз фарзандининг онаси.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ФАХРИЙЛАРНИНГ ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Тошкентда уруш ва меҳнат фахрийларининг шифокор олимлар билан учрашуви ўтказилди. Учрашувни Уруш ва меҳнат фахрийлари Ўзбекистон жумҳурият кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов очди. Суҳбатда Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазири Ш. И. Каримов қатнашди. Табобат илмини ривожлантириш, кексаларга хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида қизиқарли суҳбат бўлди. Олимлар фахрийларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

(ЎзТАГ мухбири).

• *ФАРМОН ВА ИЖРО* •

Қашқадарё вилояти партия-совет ва хўжалик органлари бозор муносабатларига ўтиш жараёнида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш мақсадида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида оммавий-ташкилий ва амалий ишларни олиб боряпти.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ — ТАЪМИНОТ ГАРОВИ

ҲАРАКАТДА — БАРАКАТ

Вилоятда, айниқса, кам таъминланган оилаларга, шунингдек, ногиронлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига якка тартибда уй-жой қуришда катта ёрдам кўрсатилмоқда. Уларга ишчи кучи, механизм ва транспорт, қурилиш материаллари олишлари учун ссуда ажратилган.

«Кашкадарьяремвод» бирлашмаси уч нафар ногиронга бепул квартира берди, ўн олти нафар ўқитувчи ва байналмилалчи жангчи квартира ҳақи тўлашдан озод этилди. Фахрийлар шу ташкилотда йигирма йил ва ундан ортиқ меҳнат қилган бўлсалар, улар уй-жойга эллик фоиз миқдорида ҳақ тўлашлари мўлжалланмоқда.

«Каршистройиндустрия» бирлашмасида, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикасида ҳам ходимларга ҳар томонлама қулайликлар яратиляпти. Шаҳрисабз шаҳрида фахрийларга, ногиронларга, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва байналмилал жангчиларга ўн бешта квартира, ўн тўртта томорқа участкаси ажратилди.

ҲИММАТ

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги бошқаруви ёлғиз яшаёган О. Фозиловага икки хонали уй қуриб берди. Бундан ташқари колхозчиларга олтмиш саккизта уй тақдим этилди. «Коммунизм» жамоа хўжалиги эса ёлғиз пенсионер Сора Назаровага уч хонали уй совға қилди. «Ленинград» колхозида яшовчи кекса Зиёд Абдиев ва «Социализм» колхозидан Икром Исломовлар ҳам икки хонали уйга эга бўлдилар. Район бўйича ўн уч нафар Улуғ Ватан уруши ва ўн нафар меҳнатга қобилиятсиз фуқаронинг уй-жойи бепул ремонт қилиб берилди.

Ўтган йили Ленин номли жамоа хўжалиги 174 нафар колхозчига томорқа участкалари ажратди. Якка тартибда уй-жой қурувчиларга йигирма олти тонна цемент, уч юз куб-метрдан ортиқ тахта, ўттиз бир минг дона пишиқ ғишт берилди.

Яккабоғ райони бўйича шу йилнинг ўзида саккиз нафар фахрий бепул уй олди, тўрт юз олти кишига уй-жой қурилишида ёрдам кўрсатилди, олтмиш кишининг уйи ремонт қилинди.

Вилоятда бепул овқат ташкил этиш, шунингдек, товон тўлаш юзасидан ҳам тадбирий чоралар кўриляпти. «Каршистрой»да ишчилар овқати учун беш юз қирқ минг сўм ажратилди. «Каршистройиндустрия», «Кашкадарьяремвод» бирлашмаларида ҳам ишчилар овқати учун компенсация тўлаш йўлга қўйилган.

Айни вақтда ташкилотлар ходимларини ўзларининг ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор бераётирлар. Жумладан, «Кашкадарьяводстрой» трестининг иккита ёрдамчи хўжалиги бор. Ўтган йили ўз ходимларига 1,6 тонна гўшт, 12,3 тонна сут, 2,7 тонна сабзавот, 3,9 тонна боғдорчилик маҳсулотлари етказиб берган бўлса, бу йил ҳам шу миқдорда озиқ-овқат билан таъминлаш мўлжалланяпти.

БЕПУЛ ТАОМЛАР

Қаршидаги «Саодат» магазини қирқ олти кишига текин овқат ташкил этди. Шаҳрисабз шаҳар ижтимоий ёрдам бўлими эса пархез ошхонада ўн беш нафар ёлғиз кекса учун бепул овқат уюштирди. Қарши шаҳрида икки кексага (А. Каламизова, В. Шуметко) уйига иссиқ овқат етказиб берилади.

Ульянов районида бу йил барча уруш қатнашчиларига ойига икки килограммдан гўшт, ўттиз дона тухум ва сут маҳсулотларини бепул тарқатиш назарда тутилмоқда. Бошқа районларда ҳам шундай тадбирлар амалга оширилади.

МАРОСИМЛАРГА ЭЪТИБОР

Вилоятда тўй ва бошқа оилавий маросимлар ўтказиш учун хўжаликлар ҳисобидан маблағ ажратишга эътибор бериляпти. Давлат баҳосида ун, гуруч, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари берилмоқда. Ёш оилаларга ҳам ёрдамлар уюштирилаётир. Қаршидаги «Мебеллар уйи», Муборак ва Косон шаҳарларидаги мебель магазини ёшлар эҳтиёжини қондиришда хизмат қиляпти.

Дафн маросимлари ҳам эътибордан четда эмас. «Каршистройиндустрия» бирлашмасида дафн учун икки юз сўмдан бир минг сўмгача ёрдам кўрсатилади. Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигида эса шу мақсадлар учун уч юз сўмдан ажратилади.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Кам таъминланган оилаларга болаларини боқишда ёрдам кўрсатиш юзасидан амалий ишлар олиб борилаётир. «Кашкадарьяводстрой» трестида шу мақсадлар учун 1991 йилда беш юз эллик минг сўм ажратилди, «Эскиангарканалстрой» трести ходимлари болаларига ойига саксон сўмдан юз сўмгача нафақа тўланяпти. Бола туғилганда икки юз эллик сўм нафақа берилади. «Кашкадарьяремвод» бирлашмасида ўн саккиз ёшгача бўлган 4087 нафар болага жами икки юз ўттиз минг сўм компенсация тўланди. «Каршистрой» эса болаларга 7959 минг тўлади.

Шаҳрисабз районидаги колхоз ва совхозлар қирқ иккита мактабгача болалар муассасасини ўз қарамоқларига олдилар. Ульянов райони эса болалар муассасалари ва бошланғич синфларнинг эрталабки нонуштаси учун 641,9 минг сўм ажратилди. Жумладан, шу мақсадлар учун «Партия XX съезди» давлат хўжалиги 124,2 минг сўм сарфлашни мўлжаллаяпти. «III интернационал» совхози ҳар кварталда эллик оила боласига эллик сўмдан нафақа беришни режалаштириб қўйди.

Китоб районида мактаб ўқувчилари овқатини ташкил этишга 49,4 минг сўм ажратилди. Яхши ўқиган ўқувчиларга 10—15 сўм миқдорида стипендия бериляпти.

Вилоят матлубот иттифоқи кам таъминланган оилалар болаларига (22563 киши) 990,7 минг сўм товон тўлади. Бу ташкилот Қарши болалар уйини ўз оталигига олган. Қарши шаҳридаги йигирма олтита мактабнинг 1—5-синф ўқувчиларига текин овқат берилади.

ҚЎШИМЧА НАФАҚАЛАР

Аксарият корхоналар ва ташкилотлар пенсияга қўшимча нафақа ва компенсация тўлаяпти.

Уруш ва меҳнат фахрийлари имтиёзлардан, санаторий-курортларга бепул йўлланмалардан фойдаланишяпти. Китоб районида олти нафар байналмилалчи жангчи хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларга бюст ўрнатишга қарор қилинди.

Шаҳрисабз райони хўжаликларида ҳар ойда 573 пенсионерга қўшимча пенсия (жами 15376 сўм) тўланмоқда. Район меҳр-шафқат жамғармаси ҳозиргача кам таъминланган ўн икки оилага олти юз сўм, моддий ёрдамга мухтож бўлган йигирма нафар уруш ва меҳнат фахрийларига 277 сўм ёрдам кўрсатди. Жамғарма ёлғиз ва кам таъминланган оилаларга 3450 сўм ажратди. Ульянов районидаги «Партия XXIV съезди» давлат хўжалигида Наврўз байрами муносабати билан юз сўмдан кам олувчи қирқ етти нафар пенсионерга тўлаш учун ойига 1339 сўм ажратилди.

Умуман олганда, барча район хўжаликларида, корхоналарда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида диққат-эътибор билан қаралмоқда.

СССР ВА АҚШ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ЛОНДОНДА УЧРАШАДИЛАР

Келишувга мувофиқ 17 июль куни Лондонда СССР Президенти М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Ж. Бушнинг амалий учрашуви бўлади.

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

• Коммунист ва давр

ОДАМИ ЭРСАНГ...

Ғағарин районидаги дон маҳсулотлари комбинатининг ҳисобчиларидан бири директор ҳузурига қоғоз кўтариб кирди. У комбинат ёрдамчи хўжалигида етиштирилаётган гўшт нархини оширсакмикан, деган таклифни ўртага қўйди. Бу таклифдан Қ. Амирқуловнинг қовоғи уюлди.—Йўқ!—деди ҳисобчига ўткир тикилиб. — Гўштнинг килосини ишчиларга икки ярим сўмдан сотиб келдикми, бундан кейин ҳам шу нархда сотаверамиз.

Бу гап ишчилар қулоғига етгач, улар, «Қурбоннинг отасига раҳмат!» — дейишди.

Амирқуловнинг шиорларга, тилёғламаликка, ёлғон гапга, ишёқмас ва дангасаларга, ўзига, уйига, иш жойига қарамайдиган одамларга тоби йўқ. Эллик учга кирди. Гапиришлари даҳалроқ туюлсада, тиш ёриб бировга қўпол сўзламайди. Лекин ўткир нигоҳи, бир оғизгина танбеҳ сўзи ҳар қандай бепарво кишининг ҳам уйқусини ўчириб юборади. Ўн йил қишлоқда оддий тракторчилик қилган, олийгоҳни эса ўттиз уч ёшида битирган, такаббурлик, доғулилик табиатига мутлақо ёт бўлган бу одамдаги метин қатъият кишини ром қилади.

Етти йил муқаддам у комбинатга директор этиб тайинланганида ишни чиқинди темир-терсагу, қайси бир ерларда сочилиб ётган бетон плиталарини йиғиштириб олишдан бошлади. Бу майда ишларга овунмиб қолиб комбинатни унутиб қўйган бўлса керак, деб, ўйламанг. Икки йил ичида цехлар таъмирланди, янги ускуналар билан жиҳозланди, дон сақлайдиган омборлар кенгайтирилди. Комбинат ҳовлисида шотутдан тортиб жилонжийда дарахтларигача ўстирилди. Айни пайтда ўша чиқинди темир-терсак ва плиталарни тикка қилиб,молхона қуришга киришилди. Чойхона, сауна-ҳаммом пойдевори кўтарилди.

Комбинатда Амирқуловгача тартиб бошқача экан. Ишчилар бир тарафу, курсида ўтириб ишлайдиганлар бир тараф бўлиб қолган экан. Ҳашарга чиқсалар, ҳисобчию муҳандис кетмондан ўзини узоқроққа олиб, ишчиларга, ҳа бўл, ҳа бўл деб қўлини белига қўйиб турар экан. Дастурхон бошида бўлса... Ҳатто маошни ҳам бир кун-икки кун эртароқ олишар экан.

Амирқулов мажлис чақириб, «ақл» бўлиб ўтирмади. Енг шимариб қоришма қўйди, чангдан жирканмай цемент ташиди. Иссиқ демади, совуқ демади, ҳамиша ишчилар билан ёнма-ён бўлди. Буни кўргандан сўнг «аканг қарағай ҳисобчиман» деб ўзини сояга олиб туришга кимнинг ҳам ҳадди сиғарди дейсиз.

Йўлингиз тушиб комбинатда бўлиб қолсангиз, директор сизни аввало чорвачилик хўжалигини кўришга даъват қилади. Молхонада ҳозир 230 бош қорамол боқиляпти. Қўраларда пашша учрамайди, тўсиқлар бўялган. Асфальт йўлаклар четида дарахтлар ўстирилган. Охурларда саранжом-саришталик, ҳаммаёқ топ-тоза. Айтмоқчи, комбинат бор-йўғи 14 гектар ерда озуқа-силос етиштиради. Шу майдондан 10 минг тоннача силос бостиришни, ҳар йили июль ойига қадар молни тўйимли силос билан боқишаётганини билганингиздан сўнг бу ерда 250 сўм харажат билан 100 килограмм гўшт етиштирилаётганига ажабланмай қўясиз. Бозору дўконлардаги нархдан одамларнинг бошлари айланиб кетган пайтда ҳам комбинат ишчилари гўштнинг килосини икки ярим сўмдан сотиб олишаётганини кўрганингизда, беихтиёр калима қиласиз: Амирқуловнинг отасига раҳмат! Комбинат ишчиларни бир парча эт билан овутиб қўяётган бўлса керак-да, дерсиз. Ундай эмас. Бултур ёрдамчи хўжаликда киши бошига 100 килограмм гўшт, 1532 килограмм сут етиштирилди.

Мен комбинатнинг илғор ишчиларидан бири билан гаплашмоқчи бўлдим.

— Сиз журналистлар одамларни илғору қолоққа ажратиб гаплашасизлар-да, — деди Қурбон ака ярим ҳазил, ярим чин оҳанг билан кулиб. — Бизда қолоқ одамнинг ўзи йўқ. Бўлмаслиги ҳам керак. Битта қолоқ, уқувсиз одам мингта яхши ишлайдиганнинг кайфиятини бузади. Мени шафқатсизроқ одам экан деб ўйласангиз ҳам айтай: қолоқларни сиғдирмаймиз, жамоамизнинг ўзи сиғдирмайди. Битта мих ўғирласа ҳам сиғдирмайди. Ҳов, дарвозанинг пойгагидаги анови темир каравотни кўринг, уни кимдир пуллаш учун ўғринча тайёрлаган. Жамоамиз юз минг истиҳолага борib, ўғрини биринчи марта авф қилди. Ўғирлик молни ҳамма ҳар куни кўрадиган жойга қўйиб қўямиз, дейишди. Кўргазмали ташвиқот! Яхши-да бу.

Смена мастери Абдижаббор Бердиев деган йигит бўлса, гўё директорнинг фикрини давом эттиргандай гапириб қолди.

— Биз ишчилар Амирқуловнинг худди ўзгинасимиз, — дейди Абдижаббор. —Чумоли сингари топганимизни комбинатга ташиймиз. Дам олиш кунлари ҳам иш жойимизни соғиниб қоламиз...

Абдижабборнинг бу гапи комбинат қоровули Нор бобонинг кулгисини қистатгандай бўлди.

— Гапинг комсомолски бўлиб кетди-ку, Абдибой, — деди.

— Кулмангда сиз, Нор бобо, — деди Абдижаббор қизишиб. Масалан, ўзим шунақаман. Сменадошларим — Ўрол, Эргаш, Неъматлар ҳам шунақа. Тўрт йил бўлди, қирқ километрдан қатнаб ишлаймиз. Бирон дақиқа ишга кеч келдингми, деб сўранг-чи?

— Ҳа, бу йигитлар зўр,— дейди Нор бобо жиддий тортиб. Шапкасини ёнига ечиб қўйиб қарта ўйнашни билишмайди. Бировнинг изидан гапиришмайди. Нонимни ҳалоллаб есам, дейишади. Чунки булар коммунист Амирқуловдан тарбия кўришган. (Сезган бўлсангиз, Нор бобо «комсомол», «коммунист» деган сўзларни кўпроқ қўллар экан). Бу комбинатда асли битта Амирқулов эмас, саксонта Амирқуловлар ишлаётганга ўхшайди. (Саксонта-ишчилар сони). Саксонта асл коммунист. Бир одам нима қилаоларди, дерсиз. Ҳаммаси кўпчиликнинг иши. Кўпда ҳизир борда, ўғлим...

Қисқача Амирқуловнинг депутатлик фаолияти ҳақида: Амирқулов Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлигига ўз номзодини ўзи кўрсатган одам. Мен депутат бўламан, деган одам. Лекин депутат бўлсам, уни қиламан, буни қиламан деб подадан олдин чанг чиқармаган одам. Сайлов олдидан ташвиқотга ҳам зўр бермади. Ҳатто бир гал жумҳурият телевидениеси тасвирчиларининг таклифини ҳам рад қилган одам.

Мана энди ўз вақтида рўзномаларнинг саҳифаларигаю, ойнаи жаҳон экранларига сиғмай мақтаганлар депутат қандай ишлаш лозимлигини Қурбон Амирқуловдан келиб ўрганишсин. Силжимаётган ишлар қўзғалди, ноҳияда газлаштириш ишлари ҳам юришиб кетди. Яқин ўртада 310 километрли газ қувури, 100 километр узунликдаги ичимлик суви қувури тортилади. Шунга яраша ҳозир қувур бор. — Депутат бўлганимдан бўён комбинат ҳовлисига 134 вагон қувур келтирилди, — дейди Амирқулов. — Иккинчи наказ — комбинат қошида ун тегирмонини қуриш иши ҳам бошланди. Шу йилнинг ўзидаёқ бу қурилишга 250 минг сўмлик маблағни ўзлаштирамиз. Демак, тегирмонни ҳам ишга тушурамиз.

Қайтиш олдидан комбинатнинг иқтисодий кўрсаткичлари билан қизиқдим.

— Арифметикани бош ҳисобчимиздан — Абдикаримовдан сўраймиз, — деди кулиб директор. — Бирон бир юқори идоранинг муҳокамасига тушмаймиз. Режадан шунча фойиз ортда қолдинглар деб биров бизни коймайди. Шунданми, арифметика ёдда турмайди. Биздан одамларни сўрасангиз... Одамлар ўксиниб яшамаслиги керак, Айниқса, директор ҳузуридан, комбинатнинг дарвозасидан улар ўксиб чиқмаслиги керак. Ўзига қарашни билган, ўз хонадонига, ўз иш жойига қарашни билган одамлар ўксиш нималигидан бехабар бўлиб яшайдилар. Ана шундай...

О. УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«УЧРАШУВ» КЛУБИ ОЧИЛДИ

«Учрашув» клубининг 19 июнь куни бўлиб ўтган биринчи мажлисида Коммунистик партия тарихининг саҳифалари жонланди. Клуб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига биноан Марказий Комитет билан Тошкент вилоят партия комитетининг ижтимоий-сиёсий маркази ҳузурида ташкил этилган. Мажлисни клуб раҳбари — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов очди.

Мажлисда партия фахрийси, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг аъзоси Н. А. Муҳиддинов, Тошкент электр техника-алоқа институти кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори А. Г. Абдунабиев, Тошкент дорилфунуни кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори Г. А. Ҳидоятов, Тошкент дорилфунунининг доценти, тарих фанлари номзоди В. У. Юсупов сўзга чиқдилар.

Клуб режасига мувофиқ жумҳуриятнинг партия ва давлат арбоблари билан, таниқли олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилади.

(ЎзТАГ).

Урганч сут комбинатида янги ишлаб чиқариш шоҳобчалари ишга туширилди. Натижада маҳсулот сифати яхшиланиб, қўл меҳнати камайди. Айни кунларда корхонада 20 хилдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда.

Суратда: сариёғ тайёрлаш устаси Қадамбой Қурбонов.

Қ. ОТАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

• *Тақдирлар*

Рўйхатларда ёзилган

Уруш оқибатида бошига жудолик мусибати тушмаган оила деярли қолмади. Марҳум жангчилар дафн этилган жойларни аниқлаш юзасидан СССР Мудофаа министрлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивида 1978 йилдан бери изчил олиб бораётган изланишларим натижалари шундай хулоса чиқаришга асос бўлмоқда.

Мен ҳозиргача Марказий архив ҳужжатлари асосида 34 мингга яқин юртдошларимиз тақдирларини аниқлашга муваффақ бўлдим. 1991 йилда изланиш олиб бориш натижасида урушдан қайтмаган беш мингдан зиёд ўзбекистонлик марҳум жангчилар тақдири маълум бўлди.

Шубҳа йўққи, тақдирлар ҳақида маълумотларни кимлардир интизорлик билан кутмоқда.

Архив ҳужжатларида Қорақалпоғистон АССРдан Алижон Алижонов (Андреев номли колхоз), Уринбой Давлетмуратов (Охунбобоев номли колхоз), Андижон областидан Йўлкелди Анбаров (Калинин номли колхоз), Эргашбой Тўлаков (Ворошилов номли колхоз), Холдор Умаров (Ленин номли колхоз), Бухоро областидан Азим Умаров, Т. Рўзиев (Ленин номли колхоз), Иброҳим Фазлиев (Сталин номли колхоз), Солиҳон Сайдолимов (К. Маркс номли колхоз), Эргаш Эрдонов (Куйбишев номли қишлоқ Совети), Жума Саидов (Қизил чорва қишлоқ Совети), Рамазон Тўраев (Узбекистон қишлоқ Совети), Шоим Ҳайитов (Ленин қишлоқ Совети), Самарқанд областидан Исоқ Бобоқулов (Молотов номли колхоз), Абдулла Масиров (Ильич номли колхоз), Рустам Раҳмонов («Ленинобод» колхози), Самиг Нишонов («Янги турмуш» колхози), Марди Оққулов (Қора сийроқ қишлоқ Совети), Сурхондарё областидан Алимардон Аҳмедов («Қизилгул» колхози), Тошкент областидан Казбек Турғонбеков (Партия XVII съезди» колхози) Каипбой Шобобоев («Коммуна» колхози), Абдулла Алиев (Молотов қишлоқ Совети), Фарғона областидан Хаттибой Умаров (Сталин номли колхоз), Хоразм областидан Юсуп Еқубов (Майдон қишлоғи), Рўзмат Отажонов (Ленин номли колхоз), Шомурод Хўжаев («Комсомол» колхози)ларнинг дафн этилган жойлари аниқ, аммо районлари кўрсатилмаган.

Эшон Бобожонов, Қулбек Наврузбоев, Бекмурод Турашев (ҚҚАССР), Холмат Назаров (Андижон области), Турсун Беков, Очил Қултоев, Эргаш Турсунов, Турди Очилов, Анвар Барноев, Ашир Элматов, Рўзи Қўлдошев, Эшмуҳаммад Тўрақулов, Абдурауп Маматмуродов (Бухоро области), Аним Қўчқоров, Холдорбой Йўлдошев, Холмирза Содиқов, Имон Тўрахонов, Махтан Умаров (Наманган области), Ашур Умаров, Сайфулла Раҳимов, Юнбой Очилов (Самарқанд области), Мурод Шукуров, Берди Алманов, Турсун Нажмиддинов, Улуғ Мирзаев (Сурхондарё области), Йўлдош Юсупов, Разоқ Аҳмедов (Хоразм области), Давлат Назаров, Асербой Омонқулов (Тошкент области), Султон Раҳмонов (Фарғона области)ларнинг дафн этилган жойлари маълум бўлишига қарамай район, қишлоқ ва колхозлари кўрсатилмаган.

185-ўқчи дивизия таркибида жанг қилган Неъматжон Аҳмаджонов, Абдуназар Алимов, Давронбой Ортиқов, Сулаймон Алимбоев, Нарзулла Бегматов, Ҳалимжон Эргашев, Иброҳим Жумаев, Зоҳид Қўчқоров, Рисқул Маматқулов, Ҳамро Рўзиев ва Муҳаммад Тўраев Украина ССР ҳудудида, Шокир Ортиқов, Пўлатбой Баҳодиров, Юсуп Бобоев, Толибжон Дўлтоев, Турди Жуманов, Аҳмад Зиёев, Холиқ Каримов, Қаландар Аҳмедов, Абдумажид Мадаминов, Турғун Мақсудов, Очил Нарзиев, Маҳамад Назаров, Қаюм Парпиев Сайдулла Ризаев, Ражаб Равшанов, Абдуғаффор Тошбоев Польша ҳудудида, Қўчқорбой Аҳмедов, Ражаб Очилов, Холиқ Абдуқодиров, Иқром Бўронов, Исмат Баротов, Қурбон Воҳидов, Еқуб Жалолов, Пўлат Жўраев, Иқром Зариповъ, Сайфулла Иброҳимов, Очил Қўқонбоев, Содиқ Мавлонов, Исмоил Санақулов Германия ҳудудида дафн этилган, аммо уларнинг қаерлик эканликлари маълум эмас.

105-гвардиячи ўқчи дивизия таркибида жанг қилган Сулаймон Абдуллаев, Мардон Донийёров, Шокир Ризаев, Шариф Сайфиев, Аҳмад Еқубов, 80-гвардиячи ўқчи дивизия жангчилари Узбек Абдуллаев, Ваҳоб Азимов, Маматқул Жабборов, Ҳасан Давлатов, Деҳқон Иброҳимов, Эргаш Эрматов, Ҳайдар Йўлдошев, Усмон Қосимов, Жуман Қурбонов, Жалил Халилов, Абдуқаюм Қудратов, Урозали Темиров, Турсун Нусратов, Венгрия ҳудудида, 105-гвардиячи ўқчи дивизияда хизмат қилган Эргаш Назаров, Ҳамро Норқулов, Яҳё Шарофов, Хўжақул Шерматов, Мамат Юнусов, 80-гвардиячи ўқчи дивизия жангчилари Берди Тўраев, Бобохон Ҳамзаев, Мамасиддиқ Отабоев Австрия территориясида, шўнингдек Қодиржон Иносонов, Уринбой Тоштемиров, Маъруф Салимов, Нуриддин Жабборов, Жаббор Ҳасанов, Раҳмат Холиёров, Раҳим Утабоев, Матқарим Норқўзиев Украина ва Белоруссиянинг турли вилоятлари ҳудудида дафн этилган. Уларнинг дафн этилган жойлари аниқ бўлишига қарамай, қаерлик эканликлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Бошига уруш мусибати тушган азиз ҳамюртлар!

Мақолада келтирилган марҳум жангчилар рўйхатини синчковлик билан кўздан кечириб, улар орасидан кўп йиллардан бери орзиқиб кутган кишингизни топа олсангиз, мен билан учрашиб, улар дафн этилган жой ҳақида тўла маълумот олмоқчи ва зиёратга бормоқчи бўлсангиз тегишли маслаҳат олишингиз мумкин. Мен Тошкент вилоятининг Пискент шаҳридаги Бобур кўчаси (93-уй) да истиқомат қиламан.

Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан урушн ветерани, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист.

ХУШХАБАРЛАР

ЖИГАРИСТОН: ЯНА ИККИ УЙ ТАЙЁР!

Тошкент вилояти колхозлараро қурилиш трести жамоаси янги Жигаристон қўрғонида 5 хонали яна иккита уйни қуриб битказдилар. Ишчи комиссияси аъзолари мазкур биноларда қурилишмонтаж ишлари муддатидан анча илгари, шу билан бирга сифатли бажарилганлигини эътироф этдилар.

— Жигаристон бугунги кунда катта қурилиш майдонига айланди, — дейди «Ташоблколхозстрой» тресті бошқарувчисининг ўринбосари Озод Рустамбеков.— Бу ерда ўнга яқин қурилиш ташкилотларининг бинокорлари меҳнат қилишмоқда. Трестимизга қарашли 15-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна 40-уйни биринчи бўлиб битказган эди. Мана, энди 5- ва 18-кўчма колонна бинокорлари 46- ва 47-уйларни қуриб битирдилар. Қолган 7 уйнинг ҳам томлари ёпилиб, пардоздан чиқарилди. Қурувчилар бу уйларни 15 июлгача эгаларига топшириш учун ҳаракат қилишяпти.

(ЎзТАГ мухбири).

МАЙИЗ КУПАЯДИ

Китоб районидаги «Китоб» совхоз-заводида майиз қуритиш корхонаси барпо этилмоқда. Корхона жиҳозлари Италиянинг «Сиидвик» фирмасида тайёрланган.

Бозорда майизнинг нархи 15—20 сўмга кўтарилган пайтда бундай иншоотнинг қурилаётгани эътиборга лойиқ. Корхонани йил охиригача фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Район жамоа ва давлат хўжаликларида бепоён узумзорлар бор. Нознеъматларни йиғиштириб олгач, уни майизга айлантириб, эл дастурхонига тортиқ қилиш соҳибкорларнинг орзуси эди.

Шу кунларда қурилиш-созлаш ишларини жадал суратда олиб бораётган «Узколхозстройнинг вилоятдаги биринчи трестига қарашли 225-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бинокорлари 410 минг сўмлик капитал маблағни ўзлаштирдилар. Корхона биносининг асосий қисмини битказиш учун яна бир ярим миллион сўмлик иш бажарилади. Ҳозирча маъмурий бино, икки инженерлик иншооти қуриб битказилди. Асосий цехда темир-бетон ускуналарини монтаж қилиш ниҳоясига етди. Корхона фойдаланишга топширилгач, турли нав узумлардан бир кеча кундузда 24 тонна майиз тайёрлаш мумкин бўлади. Муҳими Китобда яна 300 нафар кишини иш билан таъминлашга шароит вужудга келади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ХЎЖАСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?»

Рўзномамизнинг шу йил 17 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола эълон қилинган эди. Унда Бухоро вилоятида экологик аҳвол тобора ёмонлашиб бораётганлиги, аҳоли азият чекаётганлиги баён этилганди. Ана шу муаммо қандай ҳал этилганлиги ҳақида ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ РОМИТАН РАЙОН ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДАН жавоб олинди:

— Мақола юзасидан район ижория қўмитаси, район агросаноат уюшмаси мутахассислари текшириш ўтказдилар. Бунда жойларда кимёвий моддаларни сақлаш тартиби бузилганлиги аниқланди. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари камчиликларни тезда бартараф этиш чораларини кўришди. Хусусан, заҳарли кимёвий моддалар омборхоналарга олинди.

Лекин хўжаликларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишлатиладиган заҳарли кимёвий моддаларни сақлаш учун махсус омборхоналар йўқ. Шуни назарда тутиб, жойларда кимёвий моддаларни сақлаш учун омборхоналар қуриш режалаштирилди.



• *Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

БАРҚАРОРЛИК ШАРТИ

ЁКИ ТАҚЧИЛЛИКНИ ЕНГИШ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Бугунги кунда истеъмол бозорида юзага келган тақчиллиқни енгиш мумкинми! Тўғриси, ушбу саволга жавоб топишга анчадан буён ҳаракат қилиняпти. Бироқ фикрлар хилма-хиллиги даврида иқтисодий қийинчиликлар сабабларини биров маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг камайишидан деб билса, айримлар бунга савдодаги бузғунчиликлар, режалаштириш ва моля механизмидаги камчиликлар сабаб бўлмоқда, деяти. Ҳақиқатан ҳам шундайми!

Ҳозир бу ҳақда мутахассислар тортиб давлат раҳбаригача ўйлаяпти. Бироқ вақт кутиб турмаги йўқ. Аҳвол оғир. Муаммолар гирдобига тушиб қолганлигимиз аниқ. Эндиликда истеъмол бозоридаги тақчилликни тезроқ бартараф этишимиз лозим.

Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? Хориждан кўпроқ буюмлар сотиб олганимиз маъқулми ёки барчамиз биргаликда маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзимизда йўлга қўйганимиз фойдалими? Айрим иқтисодчилар масалани худди шу тарзда ечишга мойиллик билдиришяпти. Лекин истеъмол буюмлари тақчиллиги — фақат уларни ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб қолмай, балки уни алмаштириш, сотиш муаммосини ҳам ўз ичига олади.

Буюмлар ҳаракати ҳозирча сиёсий иқтисоднинг эски анъанавий формуласи: товар-пул-товар шаклида олиб борилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу тўфонли денгизда кеманинг икки учини ҳам баб-баравар ушлаб туришга уринишдан бўлак ҳолат эмас. Аслида бу, ишлаб чиқаришдан истеъмол сари ҳаракат ҳолатида бўлиши керак. Шунинг учун ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш-пул-истеъмол шаклида иш юритиш мақсад сари яқинлаштиради. Бунда буюмлар ҳаракати биргина босқич — уни тайёрлаш билан чекланибгина қолмасдан, балки бутун ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлади.

Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш — ҳозирги шароитда биринчи навбатдаги ва ўта муҳим вазифа. Лекин у ўз-ўзидан ҳал бўлмайди. Бу муаммони бирданига бартараф этиш мушкул. Уни ҳал қилиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган манфаатдорликни оширишга қўмаклашувчи дастлабки иқтисодий замин ва тегишли шарт-шароитлар яратилиши керак.

Ўтган давр мобайнидаги жамият тажрибасига асосланиб айтиш мумкинки, биз илгаригидек миқдор кўрсаткичларининг кетидан қувиб тангликдан қутулмоқчи бўлсак, катта хато қиламиз. Ахир, кўр хассасини бир марта йўқотади, деб бекорга айтишмаган-ку! Бинобарин, тегишли иқтисодий заминни тайёрламас эканмиз, биз яна эски маъмурий-буйруқбозлик усулларига, миқдор кўрсаткичларининг кетидан қувишга мажбур бўлиб қоламиз.

Ҳозир барча диққат-эътиборни фақат ўртадаги воситачига, яъни пулга қаратишимиз лозим. Ҳар қалай инсонят ишлаб чиқариш ва истеъмолни бир-бирига боғлашга қобилиятли бошқа воситани ҳанузгача топгани йўқ. Бу йўлда эски «тежамкор иқтисодиёт» командаси пул эмиссиясини ўтказган эди. Бироқ бу нарса тангликнинг рўй беришини бир қадар орқага сурди, холос. Эндиликда мана шу сиёсатнинг меваси — пул қадрсизланиши иқтисодиётимизни ҳам бўйига, ҳам энига кемирмоқда. Кишилар пулни кўпроқ ўзларида сақлашга, керак ва нокерак нарсаларни сотиб олишга интилишяпти. Баъзи жойларда бундай вазиятда истеъмолни карточка системаси билан чеклашга ҳаракат қилинаётир. Бу эса, бизнингча, аҳволни яхшилашнинг ягона йўли эмас.

Тўғриси, ўтган йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш устидан назоратни кучайтириш — саноатга сифатли, арзон, зарур буюмлар тайёрлашни юклаш, савдода эса бозор фондларини самарали тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш ҳақидаги чақириқлар бир неча бор янгради. Бу эса план-топшириқларнинг бажарилиш фоизларини эринмасдан ҳисоблашга, кимга қанча маблағ сарфлаш ҳақида бош қотиришга ва бинобарин, яна эски йўлдан юришга ундади. Жумладан, ўн йиллар давомида ҳукумат корхоналарга кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни «юклаяпти». Улар эса, ўз навбатида, кўп ишлаб чиқара олмаётганликларининг холис-нохолис — объектив ва субъектив сабабларини рўкач қилишяпти.

Яна бир гап шуки, савдо ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги воситачилик ролини бажариш ўрнига нега фақат бозор фондларини ҳимоя қилиши керак экан? Хўш, бундай вазиятдан қандай қилиб қутилиш мумкин?

Бизнингча, умумий маҳсулот айирбошлаш конверсиясига ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳанузгача биз тақсимот соҳасини алмашиш зарарига олдинги ўринларга қўйиб келяпмиз. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги иқтисодий рағбат, моддий манфаатдорликнинг ўзигина бундай шароитда тўла самара бера олмайди. Алмашиш конверсияси эса бошқача йўлни, яъни пул ва товар оборoти (айланиши)нинг тезлашганини билдиради.

Шу ўринда дастлабки (қисқа муддатли) ва узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, пул қадрсизланишига қарши аниқ тадбирлар — квартиралар сотиш (энг аввало, кўп болали оилаларга), хизмат учун ишлатиладиган автомобилларни ҳамда кенг эҳтиёж буюмларнинг кимошди савдосини уюштириш, кўпроқ акциялар, облигациялар чиқариш ва ҳатто майда ҳунармандчилик устахоналарини ҳарид қилишга имкон беришгача бўлган тадбирларни қўллаш лозим.

Иккинчи бир йўл эса, такрор ишлаб чиқаришни янгитдан қайта жиҳозлаш, маҳсулот-буюм алмашиш самарасини ошириш лозим. Бунга барча хўжалик бўғинлари фаолиятига баҳо бериш тартибини ўзгартириш билан эришиш мумкин. Ўн йиллар мобайнида фаолият натижаларини баҳолашда сон ва миқдор устунлик қилди, ҳатто бу йўналиш кучайди. Ҳанузгача ушбу тенденцияни йўқотиш имконияти бўлмаяпти. Фикримиз, эндиликда бошқарув аппарати йўналишини ўзгартириб, бутунлай бошқача йўл топиш керак. Шу билан бирга бу соҳада қўлга киритилган ибратли тажрибалардан, фойдаланиш зарур. Бунинг учун истеъмол буюмларининг хилма-хил турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши, кенгайтирилиши, керакли хизмат турлари ва томоша тадбирлари ташкил этилиши, энг муҳими эса пул қадрсизланишига қарши аниқ чоралар ишлаб чиқилиши лозим.

Ўйлашимизча, рақобат ва ўзаро аниқ иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга зўр бера бориб, ишлаб чиқарувчилар фаоллигини ошириш ҳам бозор иқтисодиёти вазиятини барқарорлаштиришга туртки беради. Афсуски, кейинги пайтда хўжайинлик ҳисси, ижара муносабатлари, ширкатлар ҳақидаги баҳслар ишга аниқлик киритмади, кўп нарсаларни чигаллаштириб юборди.

Албатта кейинги уч-тўрт йил ичида жумҳурият раҳбарияти томонидан кўрилган тадбирлар, жумладан, жамоа ва давлат хўжаликлари меҳнаткашлари томорқа ерларини кенгайтириш, шаҳарликлар учун томорқа участкаларини ажратиш, ижара ва оила пудратини кенг жорий қилиш, ишлаб чиқариш ширкатлари тармоқларини кўпайтириш ҳамда улардан олинадиган солиқларни камайтириш ва бошқа тадбирлар бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида пул эмиссиясининг олдини олишга ёрдам беради.

Ҳозир яна янги муаммолар пайдо бўлди. Мамлакатдаги сиёсий барқарорликнинг бузилганлиги ва аҳволга кишиларнинг ҳадик билан қараши натижасида ишлаб чиқаришда бошбошдоқлик кучаймоқда, моддий бойликлар талон-торож қилиняпти. Хўш, нега шундай бўляпти? Маълумки, сиёсий соғлом жамиятнинг ўзи кўпчилик ҳолларда иқтисодий барқарорликка қарам бўлиб қолади. Бундай барқарорликка фақат ишлаб чиқарувчиларнинг фаоллигини ошириш йўли билангина эришиш мумкин. Бизда ишлаб чиқариш билан истеъмолни боғлайдиган бўғиннинг ўзи амалда бўлган эмас.

Масалан, савдони олайлик. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳар қандай мамлакатда ҳаридорга пешвоз чиқилиб, кўпроқ буюм сотишга харакат қилинади. Бизда-чи? Баъзи сотувчилар молларни яшириб қўйиб, сунъий тақчиллик келтириб чиқаришга мойил. Хўш, бунинг боиси нимада? Гап шундаки, савдо тармоқлари режали тақсимот асосида кейинги тўлов билан маҳсулотлар олиб келишган. Яъни бунда пул ўша келтирилган буюмлар ҳаракатига кўмаклашмаган.

Шундай экан, танг аҳволдан чиқишнинг яна бир йўли — савдонинг ролини тубдан ўзгартиришдан иборат, деб ўйлаймиз. Бинобарин, савдо ташкилотлари бундан буён маҳсулотларни ўзлари харид қилиб, кейин истеъмолчига сотишлари керак. Эндиликда савдо иши товар оборoти (айланиши) режасининг бажарилиши билан эмас, балки аҳоли буюмлар билан қай даражада таъминланаётганлигига нисбатан баҳоланиши зарур. Бунда фақат савдонинг ўзи ишлаб чиқарувчиларга буюртма бериши, улар ўртасидаги рақобатни муттасил қўллаб туриши керак.

Бизнингча, жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари учун марказлаштирилган тақсимотдан бутунлай воз кечиш лозим. Корхоналар улгуржи савдодан, аҳоли эса чакана савдодан маҳсулотлар олиши керак. Чунки биз хоҳлаймизми-йўқми, иқтисодиётнинг табиий ривожланишидан келиб чиқадиган иқтисодий қонунларни алдай олмаймиз. Агар биз жамият учун зарур бўлган сарф-харажатлар даражасида сунъий тарзда буюмлар баҳосини ошириб ёки туширib сотадиган бўлсак, қиймат қонуни бизни жазолайди — жиддий қийинчиликларга олиб келади. Шунинг учун тақчиллик муаммосини фақат баҳоларни тартибга солиш, алмашув алоқаларини дадил йўлга қўйиш орқали ҳал қилиш мумкин.

Энг муҳими, тадбиркорликка, ишбилармон кишиларга кенгроқ имкониятлар яратиб бериш керак. Ҳайрият, бу йўлда жумҳуриятимизда тегишли ишлар бошлаб юборилди. Тадбиркорлик тўғрисида Қонун қабул қилинди. Хуллас, секин бўлса-да, иқтисодий тараққиёт учун замин ҳозирланяпти. Бу — яхши. Бироқ танг аҳволдан чиқишга, бели букилган иқтисодиётни ўнглаб олишга бу ҳали етарли эмас.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш шарти — бу истеъмолдаги пул ва товарлар айланма ҳаракатини тезлаштиришдан иборат. Тўғриси, ҳозирча жаҳон тажрибаси бундан бошқача йўлни билмайди. Бу тажрибани биз бугун иқтисодий мустақилликка ўтиш ва бозор муносабатлари шароитида кенг қўллашимиз айни муддао бўлур эди.

О. ҲИКМАТОВ,
Ўзбекистон ССР ФА мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР ФА Иқтисодиёт институтининг директори.

А. РАСУЛЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг илмий котиби, иқтисод фанлари номзоди.





● Буғдой ўрими қизғин.

● Ижарачи ғаллакор Абдуманнон Ҳунаров, (чапдан ўнгга) хўжалик директори Неъматилла Матиброҳимов, ижарачи Аҳмад Ғофуров, партия комитети котиби Турдибой Кушев.

ҒАЛЛА—ДАСТУРХОН БАРАКАСИ

ХЎЖАЛИК ЮЗИНИ КЎРСАТУВЧИ РАҚАМЛАР:

● Хонадонларда турли миллат вакилларидан иборат 10 минг киши истиқомат қилади.

● Жами 15200 гектар ер бор. Шундан 7 минг гектари яйлов ҳисобланади.

● 1200 гектар лалми, 800 гектар суғориладиган майдонга ғалла, 930 гектар ерга беда экилган.

● Хўжалик аъзоларини сабзавот-мева ва картошкага бўлган талабларини қондириш, эҳтиёждан ортганини сотиш мақсадида 270 гектар ерда сабзавот, 56 гектар ерда картошка етиштириляпти. Маккажўхоризор 210, полиззор эса 60 гектар майдонни ташкил этади.

ҲАЗИРИ дамларда Оҳангарон райони қир-адирларида ғалла ўрими қизғин. Ғаллазор уфққа туташиб кетгандек кўринади. Тилларанг бошоқлар саҳий қуёш нурида товланади. Бундай палла-да, чиллада, ҳаттоки, соясалқин чойхонада тушлик вақтида ҳордиқ олаётган қишининг пешонасидан резареза тер оқади. Тандирдек қиздириб турган далада меҳнат қилаётган ғаллакорнинг қиёфаси табиатан кўз ўнгимизда бошқача гавдаланиши турган гап. Уларга тасанно: қуёш тиғига қарамай ғаллазорда жавлон уришади.

Вақт тиғиз. Бинобарин бесамар кетган ҳар дақиқа ҳосил чўғига путур етказади.

Йил бўйи қилинган ҳалол меҳнат маҳсулига ким ҳам эътиборсиз бўлади, дерсиз?! Шу боис ғаллакор соғга талпинишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. У эл-юрт насибаси, ризқи-рўзи—донни ўйлайди, бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб хирмонга тўкиш ҳақида қайғуради.

Ҳув, анави қирдан агрегатлар сурони эшитилади. Механизаторлар қўли-қўлига тегмаяпти. Комбайнлар ёрдамида дон зудлик билан ўриб олинаётир. Сомонни сомонга, донни донга ажратиш ҳам қизғин.

ИЖАРАЧИЛАР ДАЛАСИДА

ХЎЖАЛИКНИНГ илғор ижарачиси Аҳмад Ғафуровга қарашли далаларда буғдой зап етилибдики, асти қўяверасиз. Тадбиркор деҳқон бошчилигидаги ижарачилар 417 гектар майдонда ғалла етиштирганлар.

— Мен аввалларидан хўжалигимизнинг турли тармоқларида ишлаб келдим, — дейди Аҳмад ака. — Бундан икки йил аввал ижарачи жамоалар тузила бошлаганлигини эшитиб ҳам қувондим, ҳам ўйланиб қолдим. Сабаби, ўзингизга аён. Ишни нимадан бошлаш керак? Хўжаликдан ер олиб деҳқончилик қила бошладим. Ўтган йили ҳаммадан кўп ҳосил олдик. Бу йилги мўлжалимиз — 12 центнер.

Қўй йили ғалла йили бўлди. Май ойининг ўрталарида ҳарорат пасайиб, ёғингарчилик бўлди. Ғалла пишганда эса агрегатларни далага олиб чиқиш имкони бўлмади. Руҳан тушкунликка тушмадик. Қуёш чарақлаши билан ўримга киришдик. Дастлабки ҳосилни хирмонга тўкдик. Бундан бир ҳафта бурун эса қаттиқ дўл ёғиб, барча ғаллани ерга ётқизиб кетганини ҳам айтай. Ҳозир ўрим яхши ўтаётир. Ҳар гектар майдондан олинган дон 12 центнердан ошмоқда. Деҳқон тили билан айтганда лалмикор ер учун натижамиз юқори кўрсаткич.

— Жамоада неча киши меҳнат қилади?

— Етти киши. Ҳаммалари механизатор. Мажид Азизбеков, Абдусодиқ Зулфиқоров, Семён Казаковлар ҳар куни 8—10 гектар майдондаги ғаллани йиғиштиришмоқда. Довонга яқинлашиб қолдик.

Етиштирилган дон сифати кўзни қувонтиради. Ижарачи Абдуманнон Ҳунаров даласида бўлганимизда ҳам бунга ишонч ҳосил қилдик. Миришкорлар қўлида 204 гектар ғалла майдони бор. Улар 71 гектар ердаги арпани ўриб бўлишганлигини маълум этишди. Ҳосилдорлик ҳар гектар майдон ҳисобига 25 центнер. 53 гектар майдонга эса баҳорги буғдой экилган. Мўлжал — 35 центнер. Ҳозир ўрилаётган буғдой ҳосили ёмон эмас.

Ижарачилар далаларидаги ютуқлар кун сайин залворли бўлаётир. Хирмон бошида ишлаётган деҳқон донни ўз вақтида саралаб давлат омборига жўнатмоқда.

Хўжалик бўйича ўзаро мусобақа кенг йўлга қўйилган. Маъмурият, партия ва касаба союз ташкилотлари мусобақа якунларини ҳар 10 кунда сарҳисоб этишаётир. 100 гектар майдондаги ғаллани ўриб олган комбайнчига биринчи ўрин насиб бўлиб, унга 30 сўм пул мукофоти берилади. Доннинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай, омборга ташиб берган ҳайдовчи меҳнатига мукофот ҳам белгиланган. Биринчи ўринни олганга 20 сўм пул мукофоти топширилади. Моддий ва маънавий рағбатлантириш туфайли хўжаликда ўрим суръати тобора қизиб бормоқда. Ғаллазорларда 2100 тоннадан зиёд дон тайёрланади.

ДЕПУТАТ ҲИКОЯСИ

НЕЪМАТИЛЛА Матиброҳимов давлат хўжалиги директори этиб тайинланганч, қисқа вақт ичида хўжаликда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Яхшиси, бу ҳақда унинг ўзидан эшитайлик:

— Бундан 9 ой аввал Куйбишев номли давлат хўжалигига ишга келдим.



● Комбайнчи Абдусодиқ Зулфиқоров.
В. МОЛҒАЧЕВ туширган суратлар.

Меҳнатидан мамнун бўлиб, жилмайиб турган комбайнчи Абдуманнон Азизбеков.

Ушанда совхознинг давлатдан қарзи 1,5 миллион сўмдан ортиқроқ эди. Бундан ташқари хўжаликнинг ҳисоб карточкасида 640 минг сўм қарзи ҳам бўлган. Ишни меҳнаткашнинг турмуш фаровонлигини яхшилашдан бошладик. Ойлик иш ҳақи кўтарилди. Бу рақам 400 сўмга етди. Яхши меҳнат бўлгач, қарзлар ҳам узилавераді. Ҳозир қарзларимизнинг асосий қисмидан қутулдик. Бунинг сири нимада экан, деб сўрарсиз. Бу албатта, ернинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз самарасидир. Жамоа меҳнаткашлари билан маслаҳатлашиб, макажўхори майдонларини 210 гектарга туширдик. Чунки, макажўхорининг ҳар гектаридан 20 центнердан маккажўхори дони олишдан не наф? Суғориладиган 850 гектар ерга дон ва силос учун макажўхори экиларди. Шундан 600 гектари эса уруғлик учун ажратилган. Устига устак ориқлаб кетган ерларни унумдор бўлишида азал-азалдан арпа ва буғдой экиш расм бўлган. Лалми ерлардан яхши ҳосил олиняпти. Айниқса чарчаган ердан 7—8 центнер ўрнига 10 — 11 центнердан дон олинаётгани қувончлидир.

Лекин халқ ноиби сифатида шуни айтмоқчиманки, ишчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келяпмиз. Тўғри, совхозимиз ишчилари талон бўйича дўконлардан бир меъёрда озиқ-овқат олиб туришибди. Бироқ дала шийпонида овқатланиш учун маҳсулот излаймиз. Ошхоналаримизга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмаяпти. Район савдо базалари фондимиз йўқ, деб баҳона қилишади. Қанд-шакар, пахта ёғи ва бошқа маҳсулотларни олиш қийинлашди. Ҳолбуки, аввалларидан бундай маҳсулотлар сероб бўлиб, ўз вақтида иссиқ овқат ташкил қилинарди. Биз бу камчиликни тугатиш учун имконият излаяпмиз. Райондаги бошқа хўжаликлар билан маҳсулот алмашишни йўлга қўйдик.

ФАРМОН ВА ИЖРО

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ Президентининг қишлоқ меҳнат аҳли турмуш фаровонлигини яхшилаш борасидаги фармонлари изчил амалга оширилмоқда. Аниқ тадбирлар белгиланган. Аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш соҳасида ижобий ишлар бор. Томорқа ерларини ажратиш ҳам кўнгилдагидек. Кишиларга 100 тонна ўрнига 117 тонна дағал хашак, 250 тонна ўрнига 274 тонна беда пичани, 150 тонна ўрнига 182 тонна сомон сотилди. 37 бош қорамол, 415 бош қўй-эчки, 68 бош от деҳқонга сотилганлиги фикримиз далилидир.

Хўжаликда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Қишлоқда яшайдиган бирон хонадонда тўй ёки маъракa бўлиб қолса, хўжалик ҳисобидан унга ҳар томонлама ёрдам берилади. Гўшт маҳсулоти сифатида қўй ҳам ажратилади. Бу тадбир шахсий хонадонда чорва моллари камайиб кетишининг олдини олиш йўлидаги қадамдир.

Ғаллачилик ва қўйчиликка иқтисослашган давлат хўжалиги ютуқлари салмоқли бўлаётганлигини тилга олиб ўтдик. Умуман хўжалик бўйича 1 миллион 150 минг сўм қўйчиликдан, 300 минг сўм йилқичиликдан фойда олинади. Чорвадорлар эса зафар қучишди. Ярим йиллик режа адо этилди: давлатга 120 тоннадан зиёд гўшт топширилди.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли, дейди халқимиз. Куйбишев номли давлат хўжалиги аъзолари эзгу ният йўлида баракали ишлашмоқда. Улар эртанги кунга катта умид боғлашган. Иқтисодий танглиқдан чиқиш йўлларини излашяпти. Буни бугдойзорда бўлган кезларимизда қалбдан ҳис этдик.

Ҳ. СУЛТОНОВ,
Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

● Илғор ҳайдовчилар Карим Жумабоев билан Ҳамроқул Ҳайдаров.

● *Тилга эътибор— элга эътибор*

АДОЛАТЛИ ТАНҚИД

Жумҳурият Президенти Кенгашининг мажлисида Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши ва кўптиллилик маданиятини шакллантириш масалалари кенг муҳокама қилингани халқимиз эътиборини ўзига тортди.

Кейинги пайтда давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши билан боғлиқ баҳслар кўпроқ бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўргатиш, турли фан ва техника соҳаларига доир атамаларни танлаш билан боғлиқдир. Қонуннинг бажарилишидаги сусткашлик ҳам ана шу соҳаларга тегишлидир. Президент Кенгашининг мажлисида ҳам ўзбек тилини ўрганиш курсларига нисбатан эътиборсиз мунобат ҳамда атамашунослик комитети фаолиятидаги камчиликлар адолатли танқид қилинди.

Фикримизча, ўзбек тилини тез ўрганиш курсларини ташкил этиш, уларни зарур ўқув дастури ва қўлланмалар билан таъминлаш лозим. Бу соҳада чет тилларни тез ўргатиш курсларининг тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Жумҳуриятимизда кўптиллиликни шакллантириш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. Ҳозир ўрта ва олий илмгоҳларнинг баъзиларида туб аҳолининг миллатини эътиборга олиб қозоқ, тожик ва корейс тилларида ўқитиш йўлга қўйилди. Бу тил сиёсати соҳасида илгари йўл қўйилган хатоларни тузатишда муҳим қадамдир. Аввалларидан барча миллий тилларнинг тенг ҳуқуқлиги ҳақида кўп гапирилиб, амалда уларнинг эркин ривожланиши чекланиб қолган эди.

Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлигимиз ривожланиб бораётган ҳозирги даврда чет тилларни ўрганиш, айниқса, муҳимдир. Афсуски, мактабларда чет тилини ўрганиш даражаси паст ва ҳозирги талабларга жавоб бера олмайди. Шу сабабли олий ва ўрта илмгоҳларда чет тилларни ўрганиш масалаларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги кўрсатиб берилди.

Ўзбек тили, бошқа миллий гуруҳларнинг тиллари ва чет тилларни ўрганишни яхшилашга доир чора-тадбирлар белгиланган ҳамда барча олий илмгоҳларда «Ўзбекистон халқлари тарихи» ва «Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш» курсларини жорий этиш ҳозирги давр талабига мос тушади.

А. АБДУАЗИЗОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

МУҲАНДИСНИНГ ОБРЎСИ

Тошкентда СССР илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмаси Ўзбекистон жумҳурият бошқарувининг пленуми бўлди.

Муҳандислик касби обрўсини кўтариш, муҳандислик фаолиятининг ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатларини таъминлаш, олимлар, ишлаб чиқариш новаторларини фан-техника тараққиёти вазифаларини ҳал этишга, уларнинг ижодий имкониятидан жумҳурият ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш учун самарали фойдаланишга кенг жалб этиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Мутахассислар ижодий касб бирлашмаларига молиявий ва ҳуқуқий мустақиллик бериб, уларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш, вилоят бошқарувлари бошланғич бўғинларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Пленумда Ўзбекистон илмий ва муҳандислик бирлашмалари уюшмасининг янги низоми лойиҳаси муҳокама қилинди. У шу йилнинг декабрида ўтказиладиган навбатдаги съездда қабул қилинади.

Пленум иши тугаганидан сўнг янги жамоат ташкилоти Ўзбекистон халқ академиясини таништириш маросими бўлди. Уни ташкил этишдан мақсад — хўжаликнинг барча соҳаларида халқ ижодиёти анъаналарини тиклашдан иборат. (ЎзТАГ).

● Олий таълим: ўзгаришлар даври

ОСОН ЭМАС МУАЛЛИМ БЎЛМОҚ

САМАРҚАНД МУАЛЛИМЛАР ОЛИЙГОҲИ РЕКТОРИ, ПРОФЕССОР ҒАНИ ИКРОМОВ БИЛАН СУҲБАТ.

— Ғани Икромович, қадимда ота-она фарзандини муаллимнинг қўлига «Домла, боламизни ҳузурингизга олиб келдик, эти сизники, суяги бизники» деб топширар эканлар. Бу ибора қандай қарайсиз?

— Ижобий маънода. Аввалombор, айримлар саводсизга чиқарган халқимиз қадимул-айёмдан илм олишни муқаддас санаган. Шу боисдан фарзандининг илмли бўлиши учун ҳар қанча машаққат чекишга рози бўлган. Фақат боламизни саводхон қилиб беринг, дейишган улар. Бу ибора, менимча, ота-онанинг муаллим нуфузига юксак ишончи ҳамдир.

— Бу ишонч ҳозир йўқолмаганми?

— Ўқитувчи ва ўқувчилар сони ошгандан кейин уларнинг орасида ишончи оқламаётганлари кўриниб қолади. Яқинда бир танишим мактаб директори ҳузурига кириб: «Боламни айнан фалончи ўқитувчининг синфига қўйинг» деб илтимос қилибди. Директор «Сиз бу гап билан қолган муаллимларимни ҳақорат қиляпсиз» деса, ҳалиги киши: «Мен муаллимларингизга муносабат билдиряпман, холос. Фарзандимнинг эса нощуд ўқитувчи қўлида саводсиз бўлишини истамайман» деб жавоб берибди.

Демак, илмнинг қадрига етган киши муаллимнинг меҳнатини ҳам қадрлай олади. Умуман, фидойи, жонкуяр устозга ҳозир ҳам болангизни топшира туриб «Эти сизники, суяги бизники» десангиз арзийди. Чунки бундай одамлар тарбиялаган ёшлар ҳаётда ўз йўлларини топиб оладилар.

— Яшириб ўтиришнинг нима ҳожати бор: ўқитувчиларнинг обрўси бундан 25—30, ҳатто 15 йил олдингига қараганда пасайиб кетган. Наҳотки, бу нарса уларнинг сон жиҳатдан ўсиши билан боғлиқ бўлса?

— Йўқ, асло. Бу жараён миқдорга боғлиқ эмас. Чунки ҳозирги пайтда ҳам кўп жойларда ўқитувчи кадрлар етишмай турибди.

Илгари аҳоли асосий қатламининг саводи у даражада юқори эмасди. Одамлар ҳар қадамда илмли кишиларга мурожаат қилишарди. Кишиларнинг илм савияси бир қадар баланд бўлган бугунги шароитда ўқитувчининг билимдонлик савияси ярқ этиб кўзга ташланмаяпти.

Ўқитувчилар турғунлик даврида моддий жиҳатдан аҳолининг қашшоқ қисмига қўшилиб кетдилар. Фарзандларимизни камолга етказганларни эътиборсиз қолдирдик. Раис, бригадир, ишлаб чиқаришдаги барча раҳбарман деган ўқитувчи устидан хўжайинлик қилди.

Ўзлаштириш даражаси деган номақбул нарсани ўйлаб чиқаришди. Ўқитувчи 30 нафар болага дарс беради. Уларнинг бирортаси фанни яхши ўзлаштирмаса, аниқроғи, икки баҳо олса, яна ўқитувчи айбдор. Бу хилдаги ижтимоий адолатсизлик аълочи ўқувчида ўз устозига нисбатан салбий фикр уйғотиши табиий.

Муаллимлар савияси устидан назоратнинг бўшлиги шундай оқибатларга олиб келди. Биз ёмон ўқитувчини кўриб турамиз, бирга ишлаймиз. Аммо ундан қутилиш чорасини кўрмаймиз. Аттестация кўп жойда номигагина ўтказилади. Боз устига кечки, сиртқи ўрта мактаблар очиб ташладик. Ахир у ерларда деярли дарс ўтилмаслигини ҳаммамиз биламиз-ку!

Ҳозир бизда умумий ўрта таълим мажбурий ҳисобланади. Зеҳни фаросатидан қатъи назар, ҳаммани ўн йил ўқитишимиз керак. Ваҳолонки, эски мактабда болани бир-икки йил синаб кўришган, агар қобилияти бўлмаса, жавоб беришган. Ўша бола меҳнат қилиб кунини кўрган.

Тўғри, мамлакатимизда барча жумҳурият, ўлкалар барча миллат ва элатлар учун бир хилда ўқув программаси тайёрланади. Маҳаллий шароит, миллий анъаналар мутлақо ҳисобга олинмайди. Ҳатто китоблардаги суратларда ҳам миллийлик кўзга ташланмайди. Қуръони шарифда айтилганидек, илм олмоқ ҳар бир мусулмон ва муслима учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Демак, бизда илм беришнинг муайян тажрибаси мавжуд. Акс ҳолда Шарқда ибн Сино, Форобий, Ал-Хоразмий, Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Жомий, Навоий сингари жаҳонга машҳур алломалар етишиб чиқармиди? Эскича таълим системасининг таъсирли томони шундаки, унда эзгу фазилатларни ўзлаштириш биринчи ўринда турган. Чунки, бокира тафаккургина илмни ўзлаштира олади. Қаранг, жаҳонни ларзага солган Амир Темурдек инсон мангуликка юз тутгандан кейин ҳам устози пойига бош қўйиб ётибди.

Эскича ўқитиш усулларини ўрганиш пайсалга солиняпти. Йўқ, бу орқага қайтиш эмас, балки қадриятларни тиклашдир. Ҳеч бўлмаса, Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Қори Ниёзийнинг таълим усулларини ўргансак ёмон бўлмасди.

Халқимизда «баданида бор» деган ибора кўп ишлатилади. Ўзида ҳеч нарса йўқ болани 20 йил ўқитсангиз ҳам ундан дурустроқ илм соҳиби чиқмайди. Шуни унутмаслик керакки, илм ҳам ҳунар. Уни ҳар ерга тиқиштириб бўлмайди. Мактабларда ҳалиям синфдаги ўқувчилар сони 30 тадан кам эмас. Ҳатто олий ўқув юртларида ҳам гуруҳлар 27—30 тадан талабага эга.

Жумҳуриятимизда 14 та муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи бор. Улардан йўлланма олаётган ўқитувчиларнинг сон-саноғи йўқ. Халқ таълими органлари малакасидан, маҳоратидан қатъий назар, битирувчиларнинг, яъни дипломли мутахассисларни, барчасини ишга жойлаштиришга мажбур. Ўша ношуд ўқитувчи бир-икки йилдан кейин бизга яна ўзига ўхшаган шогирдлар тайёрлаб беришади.

Биргина Самарқандда учта педагогика билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Аммо улар ёзга келганда «фалон ноҳиядан қабул қилмаймиз, ўқитувчиси кўпайиб кетган» деб туриб олишади. Ахир ўқитувчи кўпайиб кетган бўлса, билим юртининг нима кераги бор? Биз билиб-билмай ёшларнинг конституцион ҳуқуқини чегаралаб қўйяпмиз-ку? Менимча, учта педтехникумни бирлаштириб, малакали кадрлар тайёрлаш чорасини кўриш зарур.

— Ғани Икромович, кейинги пайтда гимназия, коллеж ташкил этиляпти. Миллий мактаблар тузиш ҳақида ҳам гап бўляпти...

— Биз ўрта мактабларнинг гимназия таълим системасига ўтаётганлигини олқишлашимиз зарур. Аммо уни урф қилиб олиш ярамайди. Чунки ўзимизнинг шарқона ўқитиш усулларимиз бор. Фақат аввал унинг қиёфасини тиклашимиз керак. Авваломбор, болаларни мактабда бир хил кийинтирмаслик керак. Дўппи, тўн, лозим масаласида ҳам ҳар ким ўз билганича иш тутсин. Афанди айтганидай «гап саллада эмас»ку! Синфларни, ҳатто олий ўқув юртларида гуруҳларни тегишли фанларда иккига бўлиб ўқитиш мумкин. Қизлар ва йигитларга алоҳида айтиладиган гаплар бор-ку ахир! Аммо бу усулга ёпишиб олиш ҳам яхши эмас. Хабарингиз бор, СССР халқ таълими комитети барча мактаблар учун «Оилавий турмуш этикаси ва психологияси» фанини киритди. Аммо бу предмет бизга тўғри келмайди ва уни «Одобнома» фани билан алмаштирдик. Миллий мактабда халқ қўшиқлари, лапарлари, эртак ва маталларидан фойдаланиш керак. Фаннинг миллати бўлмайди, аммо қайси миллат уни қанчалик ўзлаштириши катта аҳамиятга эга. Ўз тарихини, қадриятини билмаган киши илмнинг нозик томонларини тушунмайди, ҳис қила олмайди. Агар биз ҳозир миллий мактаб лойиҳасини тузишга киришсак, ишдан кўра гап кўпайиб кетади. Менимча, жойларда унинг турли кўринишларини тажрибадан ўтказиш лозим. Миллий мактабда ҳам ягона қолип иш бермайди.

— Олий ўқув юртларида қабул жараёнлари йилданйилга эскириб, кўпчиликнинг меъдасига тегиб кетди.

— Талабаликка қабул системасининг эскирганини ўзимиз ҳам тан оляпмиз. Аммо шу пайтгача унинг бошқа усули ишлаб чиқилган эмас. Тўғри, бозор иқтисодиёти ишимизга анча ўзгартиришлар киритади. Лекин олий ўқув юртига қабулнинг асосий мезони билим бўлиши даркор. Мактабда икки йил ишлаган ёшларни суҳбат орқали қабул қилишни синаб кўряпмиз. Ўқувчилар олимпиадасининг вилоят ва жумҳурият бўйича ғолиблари маълум фанлардан имтиҳондан озод этиладилар. Эндиликда бизда ота-оналар ўз фарзандларининг қандай имтиҳон топширишларини кўришлари мумкин. Зеро, бу нарсаларни батафсил гапириб ўтириш шарт эмас, чунки қабул онлари ҳам яқин қоляпти. Ёшларнинг ўзлари институтимизга ташриф буюриб, бунга ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

Суҳбатдош:
Фармон ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

Гулистонда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари вилоятда пул муомаласи ва истеъмол бозорини бир меъёрда солиш юзасидан режалаштирилган тадбирларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ССР Президентининг Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармони қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди. Бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

x x x

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг сессиясида вилоят Кенгаши ижроия комитетининг 1990 йил март ойидан 1991 йил июнь ойигача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Вилоят ижроия комитетининг раиси С. Тошпўлатов маъруза қилди.

Вилоят Кенгаши ва Кенгаш раёсатининг 1991 йил иккинчи ярмидаги ташкилий ишлари режаси кўриб чиқилди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси, вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. Ж. Ҳакимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

● *НАМАНГАН:*

РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

Ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ҳаммавақт алоҳида эътибор ва ҳимояга муҳтож бўлиб келган. Бозорга ўтиш шароитида бундай мадад кўрсатиш зарурати бир неча баравар кўпайди. Наманган вилояти ижтимоий кўмакчи соҳаларни ривожлантиришдаги заиф жойларни аниқлаш, ушбу соҳа олдида турган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ-равшан тадбирларни ишлаб чиқиш — бир неча кун мобайнида вилоятда бўлган Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мутахассислари, бир қанча жумҳурият вазирликлари ва идоралари ходимлари гуруҳининг мақсади шундай эди. 28 июнь, ўтган жума куни ана шу танишув якунлари чиқарилди.

Кенгашга шаҳар ва район советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ходимлари таклиф этилдилар. Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасида шубҳасиз муайян ютуқларга эришилганлиги таъкидланди. Унинг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланмоқда.

Бироқ, буларнинг ҳаммаси кўп даражада Наманган шаҳрининг ўзига, йирик район марказларига тегишлидир. Узоқ қишлоқ жойлардаги аҳвол эса анча жиддий ва мушкулдир. Бутун вилоятда атиги тўққизта типовой клуб ишлаб турганини айтишнинг ўзи кифоя. 500 тадан кўпроқ кутубхонанинг атиги учтаси типовой, лойиҳа асосида қурилган. Кутубхоналарнинг аксарият қисми эса мослаштирилган биноларга, кўпинча авария ҳолатидаги биноларга жойлашган.

Бундай аҳвол у ёки бу даражада аҳоли маданиятининг умумий савиясига ҳам таъсир қилади. Айни вақтда таълим даражасини кўтариш, болалар ,ўртасида тарбиявий ишлар сифатини яхшилаш зарурлиги тўғрисида кўп гапирилмоқда ва қарорлар қабул қилинмоқда. Аммо бу қарорлар кўпинча қоғоздагина қолиб кетмоқда — уларни рўёбга чиқариш учун моддий маблағ етишмайди.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳасида ҳам ечилмаган муаммолар кўп. Кенгаш қатнашчилари мазкур соҳаларни ривожлантиришга ёрдам бериш мақсадида кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирдилар. Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ходимларини ижтимоий ҳимоялашга доир қўшимча имкониятлар қидирилмоқда. Ўз оталиғидаги мактабларга ўқувчилар ва ўқитувчилар ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишлари учун бир гектардан ер ажратган вилоятдаги қатор хўжаликларнинг ташаббуси диққатга сазовордир. Аҳолининг бошқа тоифаларига ҳам шундай ғамхўрлик қилинмоқда. Кўпгина жамоа ва давлат хўжаликларида далалар ҳамда фермаларда ишлаётганлар учун бепул иссиқ овқат уюштирилган.

Вилоят марказида камбағаллар учун дўкон очилиши тўғрисидаги таклиф ҳам катта қизиқиш уйғотди, бу ерда сотиладиган молларга анча кам нарх белгиланади. Хуллас, ижтимоий муҳитни турли-туман хатоликлар ва кутилмаган воқеалардан қандай қилиб сақлаш тўғрисида ғоялар ҳамда таклифлар етарли даражада айтилди. 1991—1993 йилларда вилоят халқ хўжалиги ижтимоий тармоқларининг моддий-техника базасини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бу режа жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқилади. Шундай қилиб, ҳамма нарса режалаштирилган ишларни бажаришда қолган. Бу режаларнинг қисқа муддатда муваффақиятли амалга оширилиши ижтимоий соҳаларнинг бозорга ўтишини бирмунча енгиллаштиради.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси, Наманган вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. Ж. Ҳакимов нутқ сўзладилар.

Н. ҲУЖАЕВА,
ЎзТАГ мухбири.

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ БАЙРАМИ

Жумҳурият пойтахтидаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномалари дастлабки сони чиққан кунинг 25 йиллигига бағишланган байрам бўлиб ўтди.

Тантанали йиғилишда шаҳар жамоатчилиги намояндалари муҳарририят ходимларини чорак асрлик юбилей билан самимийй қутладилар.

Шундан кейин рўзномалар ижодий ходимларининг бир гуруҳига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

«Оқшом» рўзномаларининг тўйига бағишланган байрам тадбирларида Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар қўмитасининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков қатнашди.

● Пахтакор районидаги давлат автомобиль назоратчилари милиция старшинаси Холмат Хуббумқулов билан катта сержант Собир Мирзаев ўз постларида ҳамиша ҳушёр. Улар доимий назоратни бенуқсон олиб бораётганликлари туфайли йўл ҳодисалари камаймоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

Ахборот

ХИЗМАТГА ШАЙЛАНИБ

● Халқ депутатлари Қизилтепа район Кенгаши ёшларни ҳарбий хизматга пухта тайёрлашнинг таъсирчан тадбирларини кўрмоқда.

Шу мақсадда барча мактаб битирувчилари билан ўқув программаси асосида машғулотлар ўтказилди. Бунда хизмат жараёнида қўлланиладиган ҳарбий атамаларни ўзлаштириш, рус тилида жонли сўзлашув малакасини ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилди.

Ҳарбий хизматга кузда чақирилувчилар эса яна бир зарур малакага эга бўлишади. Янги ўқув йилидан бошлаб районнинг барча мактабларида бокс, каратэ, таквондо сингари жанговар спорт турларини ўрганиш бўйича тўгараклар ташкил қилинади. Натижада қишлоқ ёшлари ҳар қандай шароитда ҳам ўзларини ҳимоя қила билиш малакасига эга бўлишади.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

● «Узремстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бухородаги саноат комбинати дастлабки консерва маҳсулотини Перм шаҳри меҳнаткашларига жўнатди.

Темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона бундай ишга қўл уришининг боиси қурилиш материалларининг тақчиллигидир. Комбинат жамоаси товар айирбошлаш йўли билан ўзига хос муаммони ҳал қилиш ниятида.

Корхона шаҳар таксомотор парки билан ҳамкорликда ташкил қилган цехда йилига 2 миллион шартли банка сервитамин маҳсулот тайёрлаш мумкин. Бунинг учун мевасабзавотни вилоят маркази атрофидаги хўжаликлар етказиб беришади. Зеро, бунинг эвазига шимолдан келадиган ёғоч-тахта маҳсулотларида уларнинг ҳам ўз улуши бўлади.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Турмуш чорраҳаларида*

ЎН БЕШИДА СОЧИ ОҚАРГАН ҚИЗ

Кузнинг саррин елларини эсаётган ялангликда болалар мол боқиб юришарди. Шаҳар четидаги бу кимсасиз ажириқзорнинг ўпирилган жойида ёмғир сувларидан ҳосил бўлган халқоб юзасида хаст-хашак, қоғозлар сузиб юрарди. Болалардан бири тўсатдан унда пўкакдек қалқиб турган, оғзи боғлиқ қопни кўриб қолди. Кўплашиб оғиргина қопни тортиб олишди. Қизиққонлар унинг оғзини очишди-ю, даҳшат ичида ҳар томонга тирқираб қоча бошлади!

Дарҳол етиб келган ички ишлар ходимлари марҳуманинг шахсини аниқлашди. У Қувасой шаҳар, Темирйўл кўчаси, 229-уйнинг 3-квартирасида яшаган Бозоргул Боймирзаева эди. Мурғақ қизча жонига ким қасд қилди? Эртасига унинг ўгай акаси Қўшдор ва ўгай опаси Зулхумор қамоққа олинди. Қўшдор синглисини мен ўлдирганман, деб айтди. Кўп ўтмай шу айбни Зулхумор ўз бўйнига олди. Тергов тугаб иш судга оширилди.

Худди шу кунлари бир шикоят юзасидан таниқли журналист А. Худойназаров ва милиция майори М. Кимсанбоев учаламиз вилоят тергов ҳибсхонасига борган эдик. Шу ерда биз мазкур воқеани эшитдик. Суд ўз ўгай синглисини ўлдирган қизни Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 81-моддаси билан беш йил, акасини эса 170-модда билан бир йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарган. Аввалига бизга суднинг ҳукми ўта юмшоқ туюлди. Чунки 81-модда қасддан одам ўлдириш ҳолатида белгиланади...

Кабинетга қотила — Зулхумор Боймирзаевани олиб киришди. Кўринишидан ўн тўрт-ўн беш ёшлар бор, кичик гавдали, бодом қовоқ қизнинг кўзлари маъюс боқади. Камерада ўтган кунлари таъсиридами, юзлари сарғайган, сўлғин. Қўлларини орқага қилиб олган бу ғамгин қизчага қараб беихтиёр юрагинг ачиша. Наҳотки, шу муштдаккина қиз синглиси Бозоргулни аямай урган, тепган, кўтариб боши билан полга солган бўлса!? Ўлиб қолганини тушунгандан сўнг ярим тунда жасадни қопга тиқиб, шаҳар четидаги кўлобга чўктириб кетган!? Шу жиноятни қилган куни, яъни 1990 йил 6 октябрда Зулхуморнинг 15 ёшга тўлганига атиги 22 кун бўлган экан.

Қизча билан суҳбат жараёнида воқеанинг асл сабаби кўз ўнгимизда гавдалана бошлади. Йиллар давомида оилада давом этиб келган даҳшатли ҳаёт саҳналари намоён бўлди. Шуниси афсусланарлики у шаҳар жамоатчилиги, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар кўз ўнгида содир бўлиб, оқибати яхшиликка олиб бормаслиги ҳаммага аён эди. Лекин ҳеч ким бу оила ҳаётига аралашишни истамаган...

Қувасой шаҳрида эр-хотин рози бўлди. Мухтор ва Гулойим Боймирзаевалар оиласи яшарди. Орада икки фарзанд Қўшдор ва Зулхумор туғилгач, кундалик ғиш-ғиша, уруш-жанжаллар туфайли оилага дарз кетди. Эр оилани ташлаб, бошқасига уйланиб олди.

Икки ёш бола билан қолган касалманд аёлнинг ҳеч қандай касб-кори йўқ эди. У ғишт заводига ишга кирди. Оғир жисмоний иш, эрсиз оила тебратиш машаққатлари ёш жувонни тез ҳолдан тойдирди. Бунинг устига маошнинг ҳам мазаси йўқ эди. Гулойим қандай қилиб бўлса ҳам турмушни яхшилаш ниятида ўзини ўтга-чўққа урарди. Шу орада Қўқондан Қувасойга хизмат юзасидан тез-тез қатнаб турадиган бир одам ёш жувоннинг кўнглини овлади. Анчагина иккиланишлардан сўнг қийналиб кетган Гулойим шу одамга иккинчи хотин бўлиб турмушга чиқди. Улар орасида уч фарзанд бино бўлди. Оиланинг турмуши кундан-кунга қийинлашиб борарди. Чунки иккинчи эр хонадонга жуда кам келар, баъзан узоқдан пул юбориш билан қифояланарди. Ойда бир келадиган эр оила таянчи бўлаолмаслиги ўз-ўзидан аён. Гулойим аста-секин оилани тебратиш мақсадида чайқовчилик кўчасига кириб кетди. Шу иши учун бир марта судланиб ҳам чиқди. У баъзан мол ахтариб ўзга шаҳарларга кетар, уйдаги ёш болаларга Қўшдор билан Зулхумор қарашарди. Ўн иккиларга бориб қолган Зулхумор ўзидан кичикларнинг кирини ювар, тозалар, уларга овқат пиширарди. Тўйиб овқат емаслик, ёшгина бошига бирдан ағдарилган кундалик юмуш-ташвишларининг оғир юки заиф қоматни касалга чалинтирди.

Шу тариқа нурсиз, қувончу шодликларсиз ўтаётган кунларнинг бирида Қувасойда Гулойимнинг аввалги эри, Зулхуморнинг дадаси Мухтор Боймирзаев пайдо бўлди. Унинг рўзғори бузилиб, иккинчи хотин тўрт болани Мухторга ташлаб қаёққадир кетиб қолибди.

— Иккаламиз ҳам қаётда адашдик, — деган мазмунда ёлворди Мухтор Гулойимга. — Кел, ўтган ишга саловот. Шу болаларнинг бошини бир жойга жамлаб, бирга тарбиялайлик. Ҳаётни бошқатдан қурайлик...

Жувон ўйлаб-ўйлаб охири Мухтор Боймирзаев билан тўрт бола ахтариб турли жойларга борди. Аммо ҳали 16 га тўлмаган болани ишга олиб бўлмасди. Иброҳим ака исмли раҳмдил бир новвой тирик етимлар ҳолига ачиниб, қонунни четлаб бўлса ҳам Қўшдорни ишга олди. Қўшдор новвойхонани тозалар, хамир қорар, нон ёпар, кечқурун эса уйга ўнта иссиқ нон ва пича пул билан қайтарди.

Ҳаммасидан қийини Зулхуморга бўлди. Махсус ўпка касалликлари интернатида даволаниб қайтган қизча яна оғир ташвишларга ботди. Эндигина ўн тўртга кирганида етти нафар укаси билан ўралашиб қолди. Болаларнинг қичиги икки яшар, каттаси 12 яшар эди. Зулхумор эрта саҳар туриб уларга нонушта тайёрлар, овқатлантирар, боғча, мактабларга жўнатар, кейин уларнинг кирчирини ювар, кийимларини ямар, хонани тозалар эди. Хуллас тун чеҳрасини ёзиб, болаларни уйқу босмагунича Зулхуморда тиним йўқ эди. У чарчаб, асабийлашадиган, тез-тез жаҳли чиқиб, шўхлик қилган болаларни урадиган бўлиб қолди.

— Аммо ҳаммасини яхши кўрардим, — дейди кўз ёши аралаш Зулхумор, — кечқурунлари атрофимни ўраб «опа қўғирчоғимни қаранг, опа мен ўйинга тушаман» деб гапира бошлашганида кўнглим ёзилиб кетарди. Шу бахтсиз тасодиф қандай содир бўлди, ҳамон ақлим етмайди.

Мухтор Боймирзаев ташлаб кетган болалардан бири Бозоргул кўпинча ўрнини нам қилиб қўярди. 6 октябрь куни Зулхумор қаёққадир, бир дугонаси билан бориб келмоқчи эди. Болаларни шошилиб турғизиб, уст-бошини кийинтирди, ювиб қатлантирди. Бозоргулни «тур» деса у яна... тўшакни ифлос қилиб ётган экан! Бирданига Зулхуморнинг миясига қон тепди. Кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Қизчани қўлидан силтаб турғизиб юзига бир шапалоқ солди. Қизча додлади. Бу ғайри табиий додлаш негадир Зулхуморни баттар қутуртириб юборди. Жаҳолат кўзларини кўр қилган қиз Бозоргулни яна уриб, тепа бошлади. Кўтариб ерга урди. Бозоргулнинг нафаси тиқилиб, индамай қолди. Шунда ҳам ғазабидан тушмаган Зулхумор тез-тез ўгай синглисининг уст-бошини ечинтириб, ювинтириб, жойига ётқизиб қўйди. Кечга яқин хавотир билан Бозоргулнинг жойига қараса, у ҳамон қимир этмай ётибди. Учиб бориб кўрпани кўтарди — қизчанинг бадани муздай, очиқ кўзлари шишадай қотган, у ўлиб қолган эди!

Зулхумор юз берган фожиа даҳшатидан карахт бўлиб қолди. Тўрт девор ичида ўзини ҳар томонга ташлади. Бошини деворга урди, юзларини юлди. Ҳаёлида «қамаб юборишади! Турма! Турма!» деган қўрқинчли сўзлар изғирди, холос. Ўша кунлари иш кўпайиб Қўшдор ҳам новвойхонада тунаб қолаётган эди. Зулхумор ёлғиз, на ота, на она, на ака, бор эди шўрликнинг ёнида... Эҳ, ота! Эҳ, она! Катта қизингиз синглисини ўлдириб қўйиб бошини бетон деворга ураётган лаҳзаларда сизлар қаерда эдингиз?!

Орадан ўн кун ўтгач, уйга Қўшдор келди. «Бозоргул қани» деб сўради у болаларни бир-бир кўздан кечирар экан. Зулхумор «дод» деб ўзини акасининг оёғига ташлади. Воқеадан хабардор бўлгач, Қўшдор анчагача индамай қотиб турди. Сўнг бирдан бошини кўтарди. Орадан ўтган озгина фурсат ичида ўн олти ёшли йигитча бирдан улғайган эди.

— Агар суриштириб қолишса, Бозоргулни акам Қўшдор ўлдирди, деб айтинглар! — деди. Синглисининг жувонмарг бўлиб кетишини истамаган ака ўзини қурбон қилишга чоғланди. Шу боис тергов материалларида то судга қадар қотил деб Қўшдор Боймирзаев таҳмин қилинган эди. Жиноий иш шундай якунланиши, Қўшдор қотил сифатида жавобгар бўлиб кетиши мумкин эди. Чунки укалар аввал ўргатиб қўйилгандек терговчиларга Қўшдор шу ишни қилди, деб кўргазма беришган эди. Аммо тергов жараёнида кутилмаган ҳолат юз берди. Қамоқ азобини тортиб кўраётган Зулхумор қалбида қарама-қарши туйғулар жунбушга келар эди. Ахир акаси Қўшдор касалванд, аранг юрган бола, қамерадош қизларнинг айтишича, қотиллиги учун Қўшдорга ўн йилдан кам беришмасмиш. Бунда у ўша ёқларда ўлиб кетади! Наҳот энди Зулхумор акасининг жонига ҳам зомин бўлади? Чуқур мулоҳазалар, уйқусиз ўтган тунлардан сўнг маҳбус Зулхумор Боймирзаева қатъий қарорга келади. У энди ўзини қотил деб тан олди. Бу ўн беш ёшли қизчанинг кутилмаган жасорати, виждон азоби ва одамийлик нидоси эди. Ака бунга норозилик билдириб қотил ўзи эканини исботлашга уринди. Аммо далиллар унга қарши эди. Ака-сингилнинг мардлиги, ҳалоллиги, ғаройиб тақдир кўпни кўрган ҳибсхона ходимларини ҳам ғоят таъсирлантирди.

— Бугун Зулхуморни этап билан Россия шаҳарларидан биридаги меҳнат колониясига олиб кетишади. Холбуки, уларни олиб қолиш кераклигига имоним комил. Булар қамоқбоп болалар эмасди. Аммо... — деди ўкинч ва надомат билан тергов ҳибсхонасининг маҳбуслар орасида сиёсий тарбиявий ишлар юритиш бўйича катта инструктори А. Узоқов.

Биз учовлон ҳибсхонадан чиқибоқ вилоят судига чопдик. Вилоят суди раиси, тажрибали ҳуқуқшунос Набижон ака Сиддиқов масалани ўрганиб кўришга ваъда берди. Қизни қутқариб қолиш учун у қўлидан келган ишни қилибди. Коллегия муҳокамасига қўйдирибди. Афсуски, ишни кўриб чиқиш жараёнида унинг ўзи бўлмабди. Ҳукм ўз кучида қолдирилибди.

Зулхумор ва Қўшдорнинг суди жараёнида қонунга тўла риоя қилинган. Қувасой шаҳри ҳуқуқ-тартибот ходимлари бу фожиани юридик нуқтаи назардан ўрганганлар ва тегишли хулоса чиқарганлар. Уларни айблаб бўлмайди. Жамоатчилик эса фожианинг туб сабабларидан бехабар. Оқибатда ўзи шундоқ ҳам бахтсиз икки ниҳол аёвсиз синдирилиб оловга отилди.

Яқинда уларнинг уйларида бўлдим. Қўшдор жумҳурият Президентининг Наврўз байрами муносабати билан берган авфи туфайли қамоқдан чиқиб келибди. У яна ҳам ўзгарган — жиддий ва маъюс. Гулойим уйда экан. У ҳозир ҳеч қаерда ишламайди. Касаллиги туфайли ғишт заводидан кетишга мажбур бўлибди. Мухтор Боймирзаев судда гувоҳ сифатида қатнашганича қорасини кўрсатмай кетибди.

Зулхумор ҳозир Белгород шаҳридаги қизлар меҳнат тарбияси колониясида экан. Унинг аҳволини сўрасак, Гулойим қўлимизга Зулхуморнинг қамоқдан ёзган хатини тутқазди.

«Ҳурматлигим, меҳрибоним, азизим, онажоним, жоним жаҳоним, — деб бошланади хат. — Менинг юрагим кеча кундуз ухламайди. Тебраниб чиқади. Ҳозир касалхонада ётибман. Юрагим сиқилади. Яшаш ҳоҳламайман. Ўзимни ўзим ўлдиргим келади. Мен ортиқ чидай олмайман. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг сентябрь ойигача қизингиз ўлди деган қоғоз оласиз. Жон онажон, ёзинг, мени қутқаринг. Онажон мен сочларимни олдирдим. Сабаби сочимга оқ тушган экан...».

Олис юртда мусофирлик ва маҳбуслик азобини тортаётган қизчанинг куйган кўнгли фарёди катак дафтар варағидан тошиб кетган эди. Менга ҳамроҳлик қилган Қувасой шаҳар партия қўмитасининг котиби М. Сулаймонов кўз ёшларини тўхтата олмади. Сархил мевали қуюқ боғлар қўйнидаги сокин Қувасой кўчаларида иккаламиз узоқ кезиб юрдик. Юракларимиз дард ва ҳасратга тўлган эди. Ўн беш ёшли қизчанинг сочларига оқ тушишига енгилтак ота-она айбдорми? Жамоатчиликми? Қонунларми? Жамиятми? Мурғак гўдакларни ёш қизалоқнинг нозик бўйнига юклаб қўйиб, қаёқлардадир юрган ота-она жиноятчими ёки уқубатли меҳнат асабларини қақшатиб юборганлиги туфайли бир лаҳза ўзини тута олмаган қизми?

«Ҳурматлигим, меҳрибоним, азизим, онажоним, жоним жаҳоним, — деб бошланади хат. — Менинг юрагим кеча кундуз ухламайди. Тебраниб чиқади. Ҳозир касалхонада ётибман. Юрагим сиқилади. Яшаш ҳоҳламайман. Ўзимни ўзим ўлдиргим келади. Мен ортиқ чидай олмайман. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг сентябрь ойигача қизингиз ўлди деган қоғоз оласиз. Жон онажон, ёзинг, мени қутқаринг. Онажон мен сочларимни олдирдим. Сабаби сочимга оқ тушган экан...».

Адолат, виждон ва имон ҳақида гаплашамиз. Аммо бу гап-сўзларимиз худди шу кунлари олис ва совуқ қамоқхонада она юрт томонга термулиб ётган, ўлимини аллақачонлар бўйнига олиб қўйган оппоқ сочли қизчага тўкаётган ҳасрат тўла шашқатор ёшларни тия олармикан, мадад ва нажот бўлармикан.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

ЖАЗОДАН ҚУТУЛИБ ҚОЛОЛМАЙДИ

ССР Иттифоқи прокуратураси Қирғизистоннинг Ўш вилоятида содир этилган жиноятларни тергов қилиш гуруҳининг иши ниҳоясига етай деб қолди. СССР Прокуратураси миллий можаролар муносабати билан тез ҳаракат қилиш бўлимининг раҳбари Александр Фролов ТАСС мухбири билан суҳбатда шу ҳақда гапирди.

У таъкидладики, жавобгарликка тортилган уч юз фуқаронинг кўпчилиги қотиллик, номусга тегиш, қирғин, ўт қўйиш каби оғир жиноят қилган кишилардир. Оммавий тартибсизликларни ташкил этишда ва уларда фаол иштирок этишда айбланган ўнлаб фуқаро Қирғизистон суди томонидан узоқ муддат озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

Яқин вақт ичида, деди А. Фролов, яна бешта жуда мураккаб ва кўп меҳнат қиладиган иш судга оширилади. Ўта оғир жиноят — оммавий қотиллик, балоғатга етмаган қизларнинг номусига тегишда айбланаётган шахсларнинг кўп сонли гуруҳлари қонун олдида жавоб беради.

В. ЗЕНЬКОВИЧ,
ТАСС мухбири.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ОЛИЙ ЛИГА. 17-тур ўйинлари қуйидагича якунланди: «Локомотив» — «Помир» — 2:0, «Торпедо» — «Пахтакор» — 1:0, «Днепр» — ЦСКА — 2:2, «Спартак» (М) — «Динамо» (К) — 0:2, «Динамо» (Мн) — «Металлург» — 2:0, «Шахтер» — «Спартак» (Вл) — 2:0, «Металлист» — «Динамо» (М) — 0:1.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ю	Д	М	Т	О
ЦСКА	10	5	2	37-22	25
Шахтер	5	11	1	23-17	21
Динамо Мн	7	5	5	20-16	19
Торпедо	6	7	4	17-13	19
Динамо К	6	7	3	20-17	19
Днепр	5	8	4	16-15	18
Арарат	7	3	6	16-16	17
Спартак	6	5	4	20-17	17
Чернаморец	3	10	3	19-14	16
Динамо М	6	3	8	18-20	15
Локомотив	5	5	7	15-20	15
Помир	3	9	5	13-18	15
Металлист	4	6	7	14-20	14
Металлург	4	5	8	11-19	13
Спартак В	3	7	7	19-27	13
Пахтакор	3	4	9	16—23	10

● БИРИНЧИ ЛИГА. 18-тур ўйинларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Навбаҳор» (Наманган) — «Тилигул» (Тирасполь) — 0:0, «Нефтяник» (Фарғона) — «Таврия» (Симферополь) — 2:0, «Шинник» — «Кубань» — 1:0, «Нефтчи» — «Ротор» — 2:0, «Динамо» (Сх) — «Қайрат» — 2:1, «Уралмаш» — «Пардаугава» — 2:1, «Геолог» — «Зенит» — 2:2, «Факел» — «Котайк» — 2:0, «Буковина» — «Текстильщик» — 1:1.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ю	Д	М	Т	О
Ротор	10	4	3	32-19	24
Тилигул	9	6	2	23-11	24
Буковина	9	5	5	21-16	23
Навбаҳор	8	6	3	17- 9	22
Ростсельмаш	8	5	4	18- 8	21
Локомотив	8	4	5	20-13	20
Таврия	8	3	6	28-30	19
Факел	8	3	8	16-20	19
Динамо Сх	6	7	4	12-12	19
Текстильщик	6	7	6	22-23	19
Уралмаш	8	2	7	25-16	18
Нефтяник	8	2	7	19-21	18
Нефтчи	7	3	7	15-14	17
Қайрат	7	3	7	14-17	17
Шинник	7	2	8	20-26	16
Зенит	4	8	6	15-15	16
Динамо Ст	5	5	7	23-19	15
Геолог	4	6	7	15-21	14
Зимбрул	2	8	7	15-19	12
Котайк	4	3	10	11-29	11
Кубань	2	6	9	12-22	10
Пардаугава	3	2	13	13-26	8

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

МАННОН УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991—1992 ўқув йили учун Телевидение режиссери, телетасвирчи ихтисослари бўйича
(ўзбек гуруҳлари)

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 5 ЙИЛ.

Ўқишга кириш қоидалари, талаблари ва имтиҳонлар тўғрисида маълумотлар олиш учун олий билимгоҳга, Ўзбекистон ССР давлат телерадиоқўмитасининг Ходимлар бўлимига ва вилоятлардаги телерадиоқўмиталарига мурожаат қилиш керак.

Олий билимгоҳ манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Герман Лопатин кўчаси, 77-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-28-80.

М. Уйғур номли Тошкент Давлат санъат олий билимгоҳи.

Ўзбекистон ССР телерадиоқўмитасининг Ходимлар бўлими: 44-14-39, 44-02-37.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ
1991—1992 ўқув йилига ўрта маълумотлиларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА:

Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва планлаштириш, меъморчилик, бино ва иншоотларни қуриш ва фойдаланиш, темир-бетон конструкциялар ва қурилиш буюмларини ишлаб чиқариш, ички санитария-техника ва шамоллатиш ускуналарини жойига қўйиш ва техник жиҳатдан хизмат қилиш, бино ва иншоотларда электромеханик ускуналардан ва автоматик жиҳозлардан фойдаланиш.

Аризалар 15 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш 25 августгача ўтказилади.

СИРТҚИ БЎЛИМГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА:

Бино ва иншоотларни қуриш ва фойдаланиш, халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш, темир-бетон конструкциялар ва қурилиш буюмларини ишлаб чиқариш, бино ва иншоотларда электромеханик ускуналардан ва автоматик жиҳозлардан фойдаланиш.

Аризалар 15 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 10 августдан 20 августгача ўтказилади.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш 27 августгача ўтказилади.

СССР илмий муҳандислар жамияти ва Тошкент шаҳар Қизил Ярим ой жамиятининг «МЕҲР-ШАФҚАТ» бўлими қошидаги

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ТАБИАТДА ҚУВВАТ-АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ УЮШМАСИ

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган руҳий табиб, нафақат Ўзбекистон жумҳуриятида, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларининг ОЛМАОТА, ЖАМБУЛ, БЕШКЕК ва бошқа шаҳарларида, вилоятларида, шу жумладан Тошкент шаҳрининг

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА
кўп сонли муҳлисларнинг ҳурматига сазовор бўлган МОСКВА табобат маркази сертификат дипломининг соҳиби

НЕЪМАТЖОН МАМАТОВ
НАВБАТДАГИ САЛОМАТЛИК СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Руҳий таъсир остида инсоннинг олий нерв системасининг кўпгина функционал касалликлари, жумладан: шол, соқовлик, дудуқланиш, қулоқ эшитмаслиги, кўрлик, ҳар хил невротик ҳолатлар, семизлик, ҳаддан ташқари озиб кетиш, асаб касалликлари, юрак сиқилиши, жинсий заифлик, бефарзандлик, нафас қисиши, қанд касаллиги, ошқозон яраси, псевдоревматизм, псориаз (терига оқ тушиши), қичима, баданда туз йиғилиши, юрак томир касалликларини 5—6 сеансда даволашга ҳаракат қилинади ва саломатлаштирилади. «ИХЛОС-ХАЛОС» деган халқимиз.

УШБУ СЕАНС КЎП СОНЛИ ШИФО ТОПАЁТГАН БЕМОРЛАРНИНГ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ.

3—8 ИЮЛ КУНЛАРИ СОАТ 10 ВА 18.00 да

Сирдарё вилояти ГУЛИСТОН шаҳридаги «ВАТАН» кинотеатрида ўтказилади.
Чипталар кинотеатр кассаларида сотилади.

●

Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги томонидан хорижий мамлакатлар билан халқаро телефон алоқаси, телефакс, телекс орқали бир зумда боғланиш имкониятини берадиган

ТЕХНИК ВОСИТАЛАР ТАЙЁРЛАНДИ

ЮҚОРИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН ХИЗМАТЛАР ЭРКИН АЛМАШИЛАДИГАН ВАЛЮТА ЭВАЗИГА КЎРСАТИЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун «ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР-АЛОҚАСИ МАРКАЗИ»га мурожаат этиш мумкин.

МАРКАЗ манзилгоҳи: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй, телефон 44-37-55.

●

АБИТУРИЕНТ—91

Олий ўқув юртига кирувчилар учун қўлланма харид қилишни хоҳловчиларнинг қўйидаги манзилга мурожаат қилишларини сўраймиз: Талабалар шаҳарчаси, ТошДД.

Телефонлар: 46-35-76, 46-74-35.

Ўзбек Давлат академик драма театри жамоаси СССР халқ артисти

ТАМАРАХОНИМнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси жамоаси жумҳурият радиосининг ижтимоий сиёсий эшиттиришлар бош муҳарририятининг бош муҳаррири Т. Баҳромовга онаси

Хатира БАҲРОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги ва М. Турғунбоева номидаги ўзбек халқ рақс «Баҳор» ансамбли жамоаси ансамбль рақкосаси Р. Адамбоевага онаси

Рафиқа АДАМБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 34-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-37-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти 21.00.
Босишга топширилди — 21.00.

№ 126. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12